

Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўйайлик!




# ЮИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хафталик газетаси

4

1993  
йил  
23–30  
январь  
(97)

«Юз сатр дил сўзи»



Кул, кулавер болажон!

## Хабарлар мағзи



● УЗБЕКИСТОН Республикаси байналмилад маданият марказида республикамиздаги миллий маданият марказлари, жамиятлар, уюшмалар вакилларининг йигилиши бўлиб ўтди. Йигилганилар Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашуви якунларини кўллаб-куватлашларини билдирилар. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг ҳамкорлиги ва тараққиётига кўмаклашувчи халқаро уюшма фаоллари хамда республикамиздаги

миллий маданият марказлари, жамиятлар, уюшмалар раҳбарлари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларига ва Тожикистонга биродарлик ёрдами уюстириш борасида Марказий Осиё халқларига мурожаатномалар кабул килдилар.

● УЗБЕКИСТОН Республикасининг Президенти И. А. Қаримов Мудофаа вазирлигига Куролли Кучларнинг раҳбарлари билан учрашиди.

● РЕСПУБЛИКАМИЗ Президенти Фармонига биноан Узбекистон Республикаси давлат божхона қўминаси раиси Урайимжон Абдуғаниев Узбекистон Республикасиниг Фаҳрий ёрлиги билан мукофотланди.

● УЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар махкамаси

нинг қарорига биноан 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб аҳодининг Узбекистон Давлат — тижорат жамғарма банклар муассасаларида сакланётган омонатлар бўйича фойз устамалари:

— йўқлаб олинидиган омонатлар бўйича — 10 фоиз;  
— муддатли омонатлар бўйича:  
— 1 йилдан 3 йилга-ча — 20 фоиз;  
— 3 йилдан 5 йилга-ча — 30 фоиз;  
— 5 йилдан кўп бўлганда — 45 фоиз;  
— Ёшлар-мукофотли омонатлари бўйича — 45 фоиз;  
— мақсадли болалар омонатлари ва тўпланадиган омонатлар бўйича — 45 фоиз;  
— ютукли омонатлар бўйича — 6 фоиз килиб белгиланди.

● УЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Фармонига биноан Қайим Жалилович Ҳаккулов Узбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари — Нефть ва газ саноати миллий корпорацияси («Узбекнефтгаз») бошқарувининг раиси этиб тайинланди.



● РОССИЯДА ишлаб чиқарилётган енгил автомобиллар нархи яна қимматлашди. «ВАЗ-2109»ни энди 6,6 миллиён сўмга, «ВАЗ-2107»ни 4,4 миллиён сўмга ва «Нива»ни 3,5 миллиён сўмга сотиб олиш мумкин. Ҳаттоқи энг арzon баҳода бўлган митти «Ока» энди 1 миллиён 630 минг сўм турди.

● ҚОЗОҒИСТОН Ички шлар вазирлиги Республика Вазирлар махкамаси эътиборига янги паспорт тизими хакидаги низом лойиҳасини тақдим этди. Англиядаги «Де ля Ру» фирмаси янги Қозоғистон паспортларини тайёрлайдиган бўлди. Унда ўрок ва болға ўрнида Мустақил давлатнинг давлат рамзи ажет этирилган.



● 20 ЯНВАРЬ куни Билл Клинтон Оқ уйда АҚШ Президенти, лавозимини расмий равишда кабул килиб олди. У иккинчи Жаҳон урушидан кейнинг Американинг энг ёш Президентидир.

# КАСАБА УЮШМА ТАБРИГИ

НАМАНГАН давлат дорилфу-  
нуни жумҳуриятимиздаги кекса  
олий ўқув юртларидан бири.  
Уни битириб чиққанларни бугун-  
ги кунда Ҳамдўстлик мамлакат-  
ларининг деярлик ҳамма ерида  
учратиш мумкин. Дорилфунун-  
нинг 60 йиллик тўйи муносабати  
билин вилоят касаба уюшмалари  
кенгашида қабул маросими ўт-  
казилди. Бир пиёла чой устида  
ташкил этилган бу тадбирга  
олийгоҳнинг профессор — ўқи-  
тувчилари таклиф қилинди.

Түркменистан Республикасының мурасимини очган ви-  
лоят касаба уюшмалари кенга-  
ши раисининг муовини Абду-  
банно Фаниев ва сўзга чиққан  
бошқа нотиқлар дорилғунун  
босиб ўтган шонли йўл, унинг  
жамиятимиз тараққиётига қўш-  
ган хоссаси мавзусида илиқ  
фикрлар билдирилар.

Маросим охирида эсдалик совғалари билан бир қаторда профессор — ўқитувчилардан бир гуруҳига саломатликларини мастаҳкамлаш учун вилоятдаги дам олиш уйлари ва санаторийларга бепул йўлланмалар берилди.

# МУКОФОТ МУБОРАК

ЎТГАН йили Наманган вилоятини пахтакорлари қўлга киритган муваффақият диққатга сазовор бўлди. Республикада учинчи, Фарғона водийсида биринчи бўлиб йиллик маррага етиб келинди. Бу ғалабада қишлоқ хўжалик ходимларининг жамоат ташкилотларининг катта меҳнати ва ташкилотчилиги ётади. Пахтадан юксак хирмон уйилишида теримчи хотин-қизлар ҳал қилувчи роль ййнадилар. Бинобарин, вилоят ҳокимилиги, вилоят касаба уюшмалари кенгашининг қўшма қарорига кўра улардан энг юқори натижага эришган 33 теримчи вилоятда ташкил этилган Тожихон Асқарова номидаги мукофот билан тақдирланди. Биринчи даражали мукофотга сазовор бўлганларга 1200 сўм, иккинчи даражалиларга 1000 сўм, учинчи даражали мукофот эгаларига 800 сўмдан пул соврини қўшиб берилди.


**О. ЖУМАНАЗАРОВ,  
«Ишонч» мухбири.**

КИШЛОҚ хўжалик техникинин таъмирлаш, тузатиш ва таъминот бошкармаси Фаллаорол районида фаолият кўрсатаётганига 60 йил бўлди. Ана шу йиллар ичидан район халқ хўжалигини ривожлантиришга, моддий техника базасини мустахкамлашга катта хисса кўшиди. Хозир ҳам бу корхонанинг ўзига хос салмоқли ўрни бор.

Кишлоқ хўжалик техникаси-  
ни таъмирлаш ва таъминот бош-  
кармасида 262 нафар касаба  
уюшма аъзоси фаолият кўрсат-  
мокда. Ана шу касаба фаол-  
ларига 15 йилдан бўён Самад  
Тожибоев етакчилик қилиб кел-  
мокда. С. Тожибоев шу корхо-  
нанинг илгор ишчиси, кишлоқ  
хўжалик техникаси учун керак-  
ли эҳтиёт кисмларини ўз вак-  
тида тайёрловчи, моторларни  
сифатли таъмирловчи устадир.  
Унинг ҳалол ва беминнат хиз-  
матидан, кўли гул усталигидан  
жамоа аҳли миннатдор. Шу би-  
лан бирга унга ўриндошлиқ йўли  
билан касаба уюшма ташкило-  
тига раҳбарлик қилиш юклатил-  
ган. Бу вазифани ҳам Самад  
Тожибоев бекаму кўст бажариб  
келмокда. У ўзи раҳбарлик қи-  
лаётган касаба уюшма аъзола-



# ЧИННИДАН КОЛИШМАЙДИ



«Дўстлик», «Оила», «Чинор» чойнаклари, «Шарқ» лагайлари, «Оқшом», «Учрашув» пиёлалари, «Турна» совғалари, «Бахор» гулдонлари. Ангрендаги сопол буюмлари комбинатида ишлаб чиқилаётган бундай буюмлар номини янадавом эттириш мумкин. Ўтган йили салкам 46 миллион сўм соғ фойда олган корхона жамоаси бу йил янада самаралироқ ишлашга, маҳсулот тан нархини арzonлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Суратларда: комбинат касаба уюшмасында күмитаси Раиси Ноила Нурматова (үртада) ишчилар билан сұхбатлашмокда. Пастда эса күли гул ишчилар томондан ишланған сопол буюмлар.

## Даврон АҲМАД олган суратлар.

рига ҳар тарафлама ғамхүрлик жами 200 килограммдан бүгдэй ланди. Биз  
күрсөтмөклө берилий.

Хозирга қадар 8 киши «Хаттак», «Зомин», «Чинобод», «Чорток» санаторийларида бепул дам олиб келди. Уч марта жами 85 киши Бахмал тоғлагыраға саёхатга бориб кайтди. Уларга бепүл автобус ва кор.

жами 200 килограммдан буғдой ланди. Биз тилга олаётга корхона-  
берилди. . .

Корхонада меҳнат фахрийла- нинг йиллик қуввати 21 миллион  
рига ғамхўрлик кучайтирилмок- 80 минг сўмлик бўлиб, марка-  
да. Уларга кунига ҳар литри зий устахонаси 6 миллион 270  
2 сўмдан серқаймок сут берил- минг сўмлик, савдо базаси 3  
мокда. Ахволига қараб, 4 киши- миллион 600 минг сўмлик, тех-  
га 100 сўмдан, 25 кишига 500— ник алмаштирув бўлими 1 мил-  
600 сўмдан ёрдам пули берил- лион 300 минг сўмлик, ер те-

ошириб келинмокда. Халқ таълими бўлими бухгалтерияси жамоаси, мактаблар нинг илмий бўлим мудирлари бу борада ибратли ишларни қилдилар. Назоратнинг изчиллиги туфайли ўқитувчиларнинг ўртacha ойлик иш ҳаки міқдори анчага ошди. Агар 1990 йилда ўртacha иш ҳаки 190 сўмни, 1991 йилда 368 сўмни, 1992 йил сентябрь ойи таърификацияси бўйича З минг сўмни ташкил этган бўлса, 1993 йил январдан бошлиб салкам беш минг сўм бўлди.

беш минг сум булди.

Республика Президенти И. А. Каримовнинг ўқитувчиларга оталарча ғамхўрлиги кўп минг кишилик жамоамизни беҳад курсанд килмоқда. Бунга биз астойдил меҳнатимиз, ёш авлодга чукур ва пухта билим беришдек қатъий харакатимиз билан муносиб жавоб бераверамиз.

Рахимжон ЗОХИДОВ,  
Фаргона вилояти, Риштон  
райони Жалқ тъзими  
ва фан ходимлари касаба  
уюшмалари кўмитасининг  
раиси.

# ИШЧИЛАРГА ФАМХҮРЛИК

хона хисобидан маблағ ажра-  
тилди. Ишчиларга Янги йил,  
Наврӯз, Ҳайит кунлари, Ғалаба  
ва Мустақиллик кунлари арzon  
нархда гүшт тарқатилди, шах-  
сий чорва моллари учун 200  
килограммдан ем берилди. Бун-  
дан ташкари ҳар бир оиласа  
бир тоннадан пичан ва сомон  
улашиб чиқилди. Арzon нархда  
10 килограммдан нўхот, 100 ки-  
лограммдан пиёз, картошка,  
сабзи, 500 килограммдан лалми  
тарвуз тарқатилди. Ҳар бир  
оиласа килограмми бир сўмдан,

Корхонада ёрдамчи хұжалик үлиб, унда 71 баш сигир, 8 баш бузок, 560 баш күйекиляпты. Ишчиларни арзона ки бепул түшті билан таъминашда ана шу ёрдамчи хұжалик чөрваси құл келмокда. Шунгедек, корхона жамоаси 240 гектар майдонга ғалла, 12 гектар ерга нұхот эккан әдилар. Аныктириб олинган ҳосилдан 10 тоннаси давлатта топширилді. Колған ғалладан келгуси 100 ҳосили учун уруглик тайёр.

Ишчилар ўртасида мусобақа ташкил этилган. Унда Б. Хотамов, Д. Нарзиев, Ж. Соатов, А. Холмуродов, С. Тожибоев ва бошқалар ролиб бўлишяпти. Илгорлар маъмурият ва касаба уюшмалари томонидан рағбатлантирилиб борилмоқда.

Мехнаткашлар манфаатини кўзлаётган касаба уюшма қўмитаси режа асосида иш олиб бориб ишчиларни химоялашни, уларга моддий ва маънавий ёрдам беришни кучайтирмоқда.

Алибой ЭРГАШЕВ,  
«Ишонч» мухбири.



**Саволларга Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигининг бош мутакассиси Хулкар ФАЙЗУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ишчи назорати инспекцияси раиси М. Г. САЙФУТДИНОВЛАР жавоб беришади.**

**Нима сабабдан ёши ва меҳнат стажи бир хил бўлган одамларнинг нафақалари ҳар хил. Иккита қўшимчимиз ёши бир хил, иккласи ҳам жамоа хўжалиги аъзоси бўлишган, бири 2500 сўм олади, бири эса 1250 сўм олади. Сабаби нима?**

**Б. ОЙДИНОВА,  
Фарғона вилояти.**

Сабаби шундаки, улардан бўди ўз меҳнат нафақасини олади, унинг миқдори 2500 сўм, иккинчиси эса вафот этган эри учун тайинланган нафақани олади, у 1250 сўм. Шунинг учун иккинчи онахон ўз меҳнат нафақасини олишга ўтгани маъкул. Шуни

ҳам айтиш керакки ўз меҳнат нафақасига эга бўлатуриб боқувчисини йўқотганлиги учун бериладиган нафақани оловчилар кўпчиликни ташкил этади. Бу ҳол айниқса шахсий нафақа оловчилар ўртасида кўп учрайди. Авваллари шахсий нафақаларнинг миқдорлари ҳам

юқори бўлган, ҳам имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилган эди. Ҳозирги кунга келиб баъзи нафақаҳўрлар учун бу турдаги нафақани олиш маъкул бўлмай қолди. Шунинг учун ўз меҳнат стажига эга бўлган ҳолда боқувчишини йўқотганлик нафақасини олаётган барча онахон ва отахонларга айтмоқчимизки, улар албатта ўз меҳнат стажлари ҳақидаги ҳужжатларни олиб, яшаш жойидаги социал таъминот бўлимига мурожаат қилиб ўз нафақаларини ҳисоблатиб кўришлари керак.

**Онам кўп шиллар Чироқчи районидаги Охунбобоевномидаги давлат хўжалигидаги шиллар. Менинг ши жойим ва уйим Қарши шаҳрида бўлганлиги учун онамни шаҳарга олиб кетдим. У киши Қаршидаги бир корхонада бир ярим ийл ишлаб сўнг нафақага чиқдилар. Нафақа пулни шаҳар алоқа бўлимидан олиб турардилар. Ўтган йилнинг арида давлат хўжалиги ҳудудидаги ўйга қайтдилар. У ерда тугма иккинчи гуруҳ ногирони бўлган укамга қараятилар. Онам нафақа пулни шаҳардан олаверадиларни ёки яшаш жойи бўлган район алоқа органларига ўтказиб, қишлоқ почтасидан олишлари кераки?**

**М. АБДУРАСУЛОВ, Қашқадарё вилояти.**

Амалдаги «Фуқароларни нафақа билан таъминлаш ҳа-

**Жамоа хўжалиги балансидаги уйларни Президент Фармонига асосан имтиёзли шахсларга (ўқитувчи ёки байнаминалчи жангчига) бепул шахсий мулк қилиб берши мумкинми? Хўжаликда ишчи ёки шофёр бўлиб шилаётган кишининг номидаги ўйни унинг хотини ўқитувчи бўлса унга шахсий мулк қилиб берши мумкинми?**

**У. ҚУНДУЗОВ, Наманган вилояти.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 53 ноябрдаги Фармонининг иккинчи бандига биноан мактаб ўқитувчиларига ҳамда болалар уйларининг тарбиячиларига улар яшаб турган давлат ва идораларнинг уйлари бепул хусусий мулк қи-

либ берилади. Ўша Фармонда кўрсатилишича 10 йиллик ўқитувчилик стажи бўлиши фақат нафақада бўлганларга тааллуқlidir. Ҳозирда ишлаб турган ўқитувчиларнинг ҳаммаси имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга-

дирлар. Байнаминалчи жангчи яшаб турган уйини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 29 декабрдаги 597-сонли қарорига биноан бепул шахсий мулк қилиб олиш ҳуқуқига эгадир. Хўжалик балансида бўлган уйларни Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 августдаги 378-сонли ҳамда Республика Министрлар Кенгаши ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгашининг 1989 йил 21 июндаги 203-сонли қарорига биноан шахсий мулк қилиб ўтказиб олиш мумкин.

Меҳнат стажига барча фаолият қаторида болаларга қараб турган давр ҳам қўшиб ҳисобланади, кўпи билан олти йилгача олинади, лекин бу вақтда ишламаслик керак. 80 ёшдан ортган онангизга ҳам қараб турган вақт ҳисобга олинади.

Демак, сизга 55 ёшга тўлганингизда тўлиқ миқдорда қарилек нафақаси тайинланади.

**1938 йилда түгилганиман, 9 фарзандим бор. 85 ёшдаги онамга қарайман. Шу ғолларни ҳисобга олиб, менга қарилек нафақаси тайинланниши мумкинми?**

**Ж. ПУЛАТОВА,  
Жizzах вилояти, Фориш райони.**

Беш ва ундан ортиқ болалу туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялаган кўп болалар нафақа тайинлаш учун 15 йиллик иш стажи талаб қилинади.

Уларга қарилек нафақаси 50 ёшдан тайинланади. Лекин она бу стажга эга бўлмаса 55 ёшдан тўлиқсиз стаж билан нафақа тайинлаши мумкин.

**Президентимизнинг фармонига асосан нафақанинг энг кам миқдори 2500 сўмга оширилди. Шу муносабат билан оиласларнинг қарамогидаги болаларга бериладиган қўшимчалар ҳам сақланиб қолдими? Уларнинг ҳам миқдори ошидими?**

**Б. АБДУЛЛАЕВА,  
Қашқадарё вилояти, Чироқчи райони.  
П. НОРҚУЛОВ,  
К. НОРҚУЛОВА,  
Жizzах вилояти, Арнасой райони.**

2500 сўм бўй тўлиқ меҳнат стажига эга бўлган нафақа оловчиларга тайинланадиган нафақа миқдоридир. Агар нафақа оловчи ишламасава ўз қарамогида вояга етмаган фарзандлари бўлса, унда ҳар бир фарзанд учун 1250 сўмдан қўшимча берилади. Масалан Норқуловларнинг бир фарзанди бўлса, унинг шу кундаги нафақаси қўшимчаси билан 3750 сўмни ташкил этади.

**Мен 60 ёшида нафақага чиқдим. Соглигим ёмонлашгани туфайли ишдан бўшадим. Қарамогимда 50 ёшдаги хотиним, 6, 8, 12 ва 14 ёшдаги болаларим бор. Умумий ши стажим 27 йил. Менга нафақа тайинлашда қандай қўшимчалар берилади?**

**П. ПИРНАЗАРОВ,  
Хоразм вилояти.**

Сизга ҳар бир болангиз учун 1250 сўмдан қўшимча берилади. Бундан ташқари талаб қилинган 25 йилдан ортиқ ишлаган йилларингиз учун ҳар бир йили ҳисобига иш ҳақингиз суммасидан бир фоизи берилади. Демак, сизнинг болаларингиз учун ҳам орава миқдори оширилади.

**Нима сабабдан баъзи бир иккинчи тоифа ногиронлари шу тоифадаги нафақаҳўрларга нисбатан нафақани кўпроқ олишади. Масалан мен 2500 сўм оламан, қўшиним эса 3750 сўм олади. Нега шунаҳа?**

**В. МАҲМУДОВ,  
Кўзи оқизлар жамиятининг ходими.**

Кўзи оқиз киши иккинчи тоифа ногирони бўла туриб иккако ёлгиз бўлса, унга қараб турадиган одам бўлмасава ва ўзгалар ёрдамига мухтож бўлса, бу ногиронларга қараб туриш учун 1250 сўм қўшимча берилади. Сизнинг қўшинингиз ҳам иккако ёлгиз бўлганлиги учун унга айтилган қўшимча берилган.



**ИНСОН УЛУФ.** Инсоннинг улугворлигини эса бош миясининг маҳсулни бўлмиш — онгидадир. Шу боисдан одамзод қолган бутун тирик мавжудотдан фарқ қиласди.

Инсон ҳаракат қилиш, кўриш, эшитиш, сезиш, фикрлаш, ҳисоблаш, мулоҳаза қилиш, мусиқани тушуниш каби қобилиятларга эга. Бунга олий нерв фаолияти дейилади. Илм-фанинг хозирги замон тараққиётини ва ютуқларига қарамасдан бош мияни олий фаолиятлари тўғрисида кишилар онгидан инкор этиб бўлмайдиган қўйидаги тушунчалар ўринашиб қолган. Қулоқ — эшитади, кўз — кўради, оғиз — таъмини сезади, бурун — ҳид билади ва ҳоказо деган тушунчалар бир қарашда инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатга ўхшайди. Ваҳоланки кўз ўзи кўрмайди, қулоқ эшитмайди, оғиз таъм билмайди, бурун ҳидни ажратоимайди. Бу сезиглар фақатгина бош мия орқали рўй беради. Чунончи кўзимиз, қулогимиз қанчалик соглом бўлмасин, агар бош миядаги кўриш, эшитиш марказлари жароҳатланган бўлса инсоннинг кўзи оқиз, қулоги эса каф бўлур эди. Ҳеч қандай операциялар бунда кўзни ҳам, қулоқни ҳам очолмайди.

Табиат инсонга шундай бир бебаҳо неъмат инъом қилганки, бу бизнинг нутқимиздир. Нутқ жараёни жуда мураккаб бўлиб, у ўз ичига бир неча хил нутқларни олади. Булардан автоматик нутқ, сұхбат нутқи, сенсор нутқи, мантиқий — грамматик нутқ ва хоказолар.

Шу ерда яна бир муаммо бор. Одатда гапириш жараёни тил билан бошқарилади, дейилади. «Тили ўткир», «Тили равон», «Тили аччиқ», «Тили ширин» деган ўхшатишлар бор. Бутёгри, тилнинг сўз жараёнида фикрни сўз билан изҳор қилишда иштироқи бор, албатта. Лекин «ўткир тил», «аччиқ тил», «ширин тил» тилга ҳеч қандай алоқаси ўйқ. Тилни «аччиғи» ҳам, «ширини» ҳам, «равони» ҳам мия маҳсулидир, мия «Тили»дир.

Бош миянинг айрим қисмларидан шундай нутқ марказлари мавжудки, бири гапириши вужудга келтириш, иккичиси гапнинг мазмунини тушунишини таъминлайди. Ҳар бир шахснинг ўзига хос чехраси бўлгандай, ҳар бир одамнинг ўзига хос тили бордирки, уни нутқ моҳияти ўша шахсни зоти, одоб ва ахлоқи, билими, маданияти ва бошқа инсоний фазилатларга борлиқ.

Шу хил нутқларни ҳаммасини тил эмас, бош мияда жойлашган нутқ марказлари жорий этади. Агар бош миядаги нутқ марказлари жароҳатланган бўлса, тилимиз лол қолади ёки ҳар қандай сўзни она тилими, чет тилими тушуниш қобилияти ўйқолади.

Ҳаммага маълумки, жазибали мусиқа ёки ашула юрагимизни тўлқин-

лантиради, ҳаяжонга солади, ҳузур-ҳаловат багишлади. Агар бош миянинг тена қисмидаги мусиқани мушоҳада қиладиган кичинагина митти марказ заарланган бўлсачи, жазибали мусиқанинг оддий шовқиндан фарқи қолмайди. Шунда одам, табиатнинг бундай улуг эҳсонидан маҳрум бўларди.

Бош миянинг олий фазилатларидан яна бири — гнозис ҳодисаси дир. Гнозис — бу билиш, сезиш, англаниш мияносини билдиради. Бу ҳодисанинг бузилиши агнозия деб юритилади. Кўриш, эшитиш, ҳид билиш ва бошқа агнозиялар мавжуд.

**Асримиз илм-фанининг 1990—2000 йиллари бутун дунё бўйича бош мия 10 йиллиги деб аталган.**

## МИЯ СИРЛАРИ

**АТРОФИМИЗНИ** ўраб турган бутун борлиқ — майдан заррадан тортиб улкан, осмон ўпар тоглару замину замон, бутун жонни ва жонсиз мавжудотларнинг ҳаммаси она табиатимизнинг маҳсулидир. Табиатни она дейшишимизнинг боиси шундаки, табиат ҳам она сингари яратувчи ҳисобланади.

Инсоннинг асаб системаси ўзининг табиатда тутган ўрни, вазифаси, тузилиши жижатидан энг олий даражадаги материя ҳисобланади.

Инсон мияси — бу шундай бир Галактика, таркиби миллиард планеталар каби — миллиард нейронлардан иборат бўлиб, табиатнинг энг улуғ сирларини ўз ичидаги сағлайди. Унда қандай годисалар рўй бермоқда, фаолияти, ишилаш тартиби қандай? Бу сиролар неча асрлар давомида инсониятни қизиқтириб келмоқда.

Масалан, кўриш агнозиясида беморнинг кўриш қобилияти сақланган, бўлса-да, буюмларни фарқини ажратади, ҳатто таниш чехраларни таний олмайди. Бунда бемор таниш чехранинг айрим қисмларини тўғри айтиб берса-да, лекин ким эканлигини антлаб ололмайди. Лекин бу руҳий ўзгарни эмас, бу агнозия, яъни инкор ҳодисасидир.

Инсон ўзининг ҳаётни давомида жуда кўп оддий ва мураккаб ҳаракатлар қиласди, буният айримларини бажариш одат тусига кириб қолган. Масалан, кийим кийиш, тутгани қадаш, сочини тарааш каби оддий ҳаракатлардан пианино чалиш, каби мураккаб ҳаракатларгача шулар жумласига киради. Агар бош мия тена қисмнинг бир бўлгага заарланган бўлса, гарчи фалаж бўлмаса ҳам, ҳаёт учун зарур

бўлган одатий ҳаракатларнинг бузилиши намоён бўлади. Ҳар бир ҳаракат унинг учун ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо бўлиб қолади.

Қўлга олган пиёладаги чойни ичиш кераклигини унтиб кўйган, овқатланиш вақтида қўлига бериб қўйилган қошиқдан қандай фойдаланиши билмайдиган одам қандай ҳолатга тушиб қолишини фараз қилиш мумкин.

Энди ички аъзоларни иш фаолиятини олайлик. Масалан, биз юрагимизнинг бунчалик аниқ ва тинимсиз ишилашига ҳайрон қоламиш. У суткасига 100 минг марта қисқариб, 9 минг

Аслини олганда эса бу мўъжиза шучалик сирли ва мураккабки, хозирги замон илм-фан тараққиётини кучи билан буни англатиб беришга жуда ҳам ожизмиз. Масалай, бош миянинг чакка қисми заарланганда эшитиш бузилишини биламиш. Лекин, эшитиш жараёнида миядаги марказда қандай ўзгашилар содир бўлади — билмаймиз; ёки бош миянинг энса қисми заарланганда кўриш фаолияти бузилишини биламиш, лекин ҳаётда — яхши воқеаларни кўрганда бу марказда қандай жараёнлар рўй беради — билмаймиз. Нима сабабдан ҳар хил вазиятларда ёқими туюлган мусиқа ором беради, бошқа вақтда эса гашимизни келтиради? Бу долда мияда қандай жараёнлар кетади, билмаймиз. Бошига оғир кулфат тушган одамнинг ёрдам сўраб ийнлаган овозини эшигандан дилимизда меҳр-шафқат ҳиссини уйготадиган марказ қаерда — билмаймиз.

Инсон бальзи бир вазиятларда эс-хушини йўқотиб қўяди, эсанкираб қолади, бальзида қайфияти қўтарилади, бальзида эса руҳан эзилади. Бунинг асосида мияда қандай ўзгаришлар рўй беради?

Шунга ўшаган юзлаб ҳодисалар мавжудки, буларнинг маркази қаердагитини, уларнинг қайтара бажарини билмаймиз. Қаерда илм-фан чегараси, қаерда илоҳий курдат!

Муаммом, муаммом, муаммолар... Бу муаммоларни ечиш кераклиги ва уни энг олий мақсадлардан бири эканлигини ҳеч ким этолмайди. Бизда одамзотга ато этилган хисматларни ўрганадиган бирорта илмий муассаса ўйқ.

Хозирги вақтда — қурт-қумурскалар, шаррандалар, ҳайвонларни ўрганидиган ўнлаб, юзлаб институтлар мавжуд. Бу даргоҳларда жонли мавжудотларнинг бутун сиру асрорлари ўрганилмоқда. Лекин инсоннинг ўзи ва табиат мўъжизаси бўлмиш инсоннинг бош мияси ҳаммаси сирлигича қолиб келмоқда. Бу муаммоларни ҳал бўлиши учун фақат неврологлар эмас, балки файласуфлар, математиклар, физиологлар, электроника бўйича мутахассислар ва бошқалар бир ёқадан бош чиқариб ишилаши зарур. Агарда бу сирларнинг ўндан бирини очолсак, ёки бу сирларга аниқлик киритолсак она табиат олдидағи буюк қарзимизни озми-кўпми енгиллаштирган бўлур эдик. Бунинг учун хозирги мустақил давлатимизда мия ва инсон олийгоҳи барпо этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу эса хозирги давр талабидир.

**Н. МАЖИДОВ.**  
Ўзбекистон ҳалиқ академияси  
академиги, Ўзбекистонда хизмат  
кураатган фан арбоби, профессор.

Яқинда шунга ўхшаш яна бир воқеа, содир бўлди. Отана 4 ойлик қиззасини табиғати олиб боришибди. У боланинг ангинасини қўли билан эзган ва ота-онани «қизингиз яхши бўлади», деб ишонтирган. Бирор қизчанинг ахволи пиҳоянда оғирлашган. Бизга келтиришиди. Афсус, унинг ҳаётини сақлаб қоломадик...

Болаларда ҳавфли қасаллик, рак учрамаятими?

СПИДқу йўқ-а, лекин оқон қасаллиги учраб туради. Бу хасталиклар ўтган йилларга нисбатан кўп.

Сўнгги савол. Қилаётган ишингиздан кўнглини тўқми?

Менинг асосий вазифам беморларни согайтириш. Лекин қилаётган ишингиздан қониқмаётган. Қанияди, дори-дармонлар, замонавий асбоб-ускуналар етарли бўлса-ю, тинмай ишласант.

Ана шундай куилар келишига бир ҳам умидворимиз.

Сухбатдош: Ҳудойберди ЖАББОРОВ.



## «ЎЗ ИШИМДАН КОНИҚМАЙМАН!»

**ДЕЙДИ СУҲБАТДОШИМИЗ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ  
БОЛАЛАР КАСАЛХОНАСИННИГ ДАВОЛАШ  
ИШЛАРИ БЎЙЧА БОШ ДЎХТИР УРИН-  
БОСАРИ СВЕТЛНА НИКОЛАЕВНА ЦОЙ**

— Светлана Николаевна  
Орол бўйи районларида бизнинг вилоятимизда яшашган болаларнинг кўпчилиги бир эмас, тўрт хил хасталикка чалишган, деган маълумотни эшигувдим. Бу борада ушбу касалхонаада зарур омиллар, шарт-шароитлар етарлими?

— Касалхонамизда чақлоқлар, урология, жарроҳлик, кардиология ва ревматология, неврология, аллергология каби ўнта бўлим бор. Уларда 335 бемор даволанади. Малакали мутахассислар, замонавий табобат асбоб-ускуналарнинг камлиги бор имкониятимизни қўллашга имкон бермайти. Устига-устак дори-дармонлар ҳам. Покистон, Голландия ҳамда Туркиядан турли дорилар юборишилти. Бу мамлакатларнинг инсонварварлик ёрдамида дан мийнатдормиз. Аммо бори-дармонлар денгизга бир томчилик гап.

— Дори-дармонлар кам экан, беморларнинг согайиб кетини қандай бўлянти?

— Хасталикни чекинтириш мақсадида зарур бўлган барча имкониятларни ишига

соламиз. Ундан ташқари беморларни овқатлантиришга катта этибор бермоқдамиш. Ота-оналар учун алоҳида, болалар учун алоҳида таомлар тайёрланади. Хуллас, кунига тўрт маҳал овқат берилмоқда. Қишида беморларга мева шарбатлари, бодринг, номидору мева-чевалар берамиз.

— Реанимация бўлими касалхонанинг юраги ҳисобланади. У ердаги аҳвол қандай?

— Замонавий табобат ас-

бобларининг асосий қисмини ўша бўлимга жойлаштирган миз. Чунки бу бўлимда асосан оғир касаллик билан оғиртган беморлар даволанишади. У ерга тушган беморларни Қўрбоиной Жуманиёзов, Бобохон Авазмуротов ва Хайитбой Нурибетов қаби моҳир даволанишади.

— Болаларнинг касалланишида батъзан ота-оналар айбдор дейшишади. Бу ҳақдаги фикрингиз қандай?

— Мен ҳам шу фикрга кў-

шиламан. Бунга қўйидаги мисолни келтирсам, сиз ҳам тушиниб оларсиз.

Дўстлик шаҳридан оғир беморни олиб келишиди. Биринчи кундан кейин ота-онаси уни олиб кетаманга тушди. Беморнинг ахволи оғир. Отана қониқмаётган раъйига қарасак, бола цобуд бўлади. Лекин биз болани бериб юбормасдан даволадик. Бемор согайиб кетди. Ана шундан кейин отанонинг хурсандлигини кўрсангиз.

Саволларга Узбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирининг мувовини К. САЙДОВ, Меҳнат вазирлиги меҳнат шарт-шаройтлари бўйича Давлат экспертизаси бошлиғи мувовини И. РАҲМАТИЛЛАЕВ, ёзувчи Жонрид АБДУЛЛАХОНОВЛАР жавоб беришади.

*Имтиёзли яъни муддатидан олдин нафақага чиқишини белгилайдиган 1- ва 2-рўйхатлар қандай тузилади? У рўйхатларга қандай касблар киритилади? Шу ҳақда тўла маълумот берсангизлар.*

Б. БАҲОДИРОВ,  
Тошкент шаҳри.

Иш шароити оғир ва зарарли касбларни аниқлаб 1- ва 2-рўйхатларга киритиши асосан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, хусусан унинг иш шарт-шаройтларини Давлат экспертизасидан ўтказиш бошқармаси амалга оширади.

Корхона раҳбарияти иш жойлари зарарли ва оғир бўлган касблар рўйхатини аниқлаш учун комиссия тузишга буйруқ чиқаради. Бу комиссия аъзолари сони неча кишидан иборат эканлигини аниқ кўрсатилади. Комиссия таркибида техника хавфсизлиги мутахассиси ва шу йон ёки шаҳар санитария эпидемология станцияси ходими бўлиши шарт.

Комиссия аъзолари тасдиқлаган рўйхатга асосан иш жойлари аттестация (баҳолаш)дан ўтказилади. Баҳолаш давомида иш жойини шароити картаси тасдиқланган шакл бўйича тўлдирилади. Баҳолашни агар шу корхонада иш жойни баҳолаш учун им-

қонияти бор лаборатория бўлса, ўшанинг ўзи кўрсатилган иш жойларини баҳолашдан ўтказади. Бундан ташқари ҳар бир корхона иш шароитлари йилдан-йилга ўзгаришини таққослаш мақсадида камиди уч йилда бир маротаба ҳамма касбдаги иш жойларини баҳолашдан ўтказиши шарт. Таққослаш 1991 йилдаги баҳолашдан бошланади. Ўз лабораторияси бўлмаган корхоналарда эса бу муаммони қилинадиган ишга ҳақ тўлаш ҳақида тузилган шартнома асосида четдан ихтисослашган лабораторияларни таклиф қилиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Ихтисослашган лабораторияга иш жойларини баҳолаш рухсатини Меҳнат вазирлиги беради.

Чунки корхоналар қандай мулк шаклида бўлишидан қатъий назар иш жойларидаги шароитни баҳолаш сифатини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг иш шарт-ша-

роитларини Давлат экспертизаси бошқармасига топширилган.

Баҳолаш натижалари тайёр бўлгач ҳужжатларни ҳар бир корхона ўзидан юқори турувчи тармоқ вазирлиги, концерн, ассоциация ва ўнга ўхшаш ташкилотга топшириши шарт. Тармоқ вазирлиги ва бошқа юқори бошқарув ташкилотлари ўз тармоқларида шу каби иш жойлардаги бошқа корхона иш шароитлари билан таққослаштириб уларни умумлаштириб, кейин Меҳнат вазирлигига юборадилар. Чунки бир корхонада шундай касб инжойи раҳбариятнинг бенарволиги оқибатида зарарли ва оғир бўлса, худди шундай касб иш жойи бошқа корхона ва ташкилотда раҳбариятнинг ишчиларга ғамхўрлиги туфайли яратилган иш шароити жуда яхши бўлиши мумкин. Шунинг учун битта корхона мисолида бутун бир тармоқда кент қўлланиладиган касбларни 1- ва 2-рўйхатларга киритиб бўлмайди.

Меҳнат вазирлиги тармоқ вазирликларидан ва бошқа ташкилотлардан тушган хатлар асосида кўрсатилган иш жойларини экспертиза қиласи. Экспертиза пайтида баҳо-

лаш ўтказган лабораторияни берган хulosасига ишончсизлик ҳосил қилинса, у ҳолда Меҳнат шарт-шароити бўйича Давлат экспертизаси қўшидаги Республика марказий экспертиза лабораториясига мурожаат қилинади. Марказий экспертиза лабораторияси берган хulosasiga ҳақиқий ҳисобланади. Марказий лаборатория учун қўшимча қилинган харажатларга корхона ҳақ тўлайди. Иш жойини баҳолаган лаборатория иш шароитининг ҳақиқий ҳолатини бузуб қўрсатгани исботланса, бундай лабораторияларга Меҳнат вазирлиги томонидан берилган иш жойини баҳолаш ҳуқуқи бекор қилинади. Экспертиза ўтказаётган экспертизанинг хulosаси охирги деб ҳисобланади. Масалан, техник воситалари билан иш шароитларини яхшилаш мумкин деб хulosasiga қилса, иш шу билан тугалланган саналади.

Экспертнинг иш жойларини 1- ва 2-рўйхатга киритиш зарур деган хulosasiga асосан Меҳнат вазирлиги шундай касблар рўйхатини жамлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаши учун ҳужжат тақдим этади. Иш шароити зарарли ва оғир касблар 1- ва 2-рўйхатларига иш

касларини жиритиши таъл қилишга барча корхоналарнинг ҳуқуқи бор. Юқорида айтилган тартибда иш жойларини экспертизасидан ўтказиш бизнинг кундаклик ишимиз. Лекин бу масаланинг мөхиятини кўчилик корхона раҳбарлари эътиборга олса маъкул бўларди, 1-рўйхатга кирган касбда ишлаетган фуқаролар имтиёзли қарилек нафақасига 10 йил олдин (эркаклар 50 ёшдан, аёллар 45 ёшдан) чиқади. 2-рўйхатга кирган касбда ишлаетган фуқаролар эса имтиёзли қарилек нафақасига 5 йил олдин (эркаклар 55 ёшдан, аёллар 50 ёшдан) чиқади. Бугунги кунда кучга эга бўлган собиқ Иттифоқ нафақа ҳақидаги қонуннинг 14-бандига асосан (Ўзбекистон Республикаси нафақалар ҳақидаги қонун лойиҳасида 9-банд бўлиб қайд қилинган) 1996 йилдан бошлаб корхона раҳбарияти 2-рўйхат орқали нафақага шу корхонадан чиқкан ишчи фуқароларга 5 йил давомида ўз жамғармалари ҳисобидан нафақалар Фондига юз фоиз пул ўтказиш йўли билан нафақа тўлашади. Унгача, яъни 1993 йил жамғармаларни ҳисобидан 70 фоизини, 1994 йил 80 фоизини ва 1995 йил 90 фоизини тўлашади.

*Мен 1977 йилдан бўён район шифохонасининг марказлашган стерилизация бўлимининг бошлиги бўлиб ишлайман. Ёшим 53 да. Умумий иш стажим 35 йил. 55 ёшдан имтиёзли нафақага чиқишига ҳақим борми?*

Б. РАШИДОВ,  
Қашқадарё вилояти,  
Китоб райони.

Амалдаги нафақа таъминоти тўғрисидаги қонунга кўра имтиёзли нафақалар собиқ Иттифоқ Вазирлар Конгаси томонидан тасдиқланган имтиёзли шартларда ва, имтиёзли миқдорларда давлат нафақаси ҳуқуқини берадиган 1- ва 2-рўйхатларда кўзда тутилган ишлаб чиқаришлар, цехлар рўйхатида айтиб ўтилган касб ва лавозимларга қатъий амал қилган ҳолда тайинланади.

Аризангиз мазмунига кўра Сиз район касалхонасининг стерилизация бўлимида бўлиб бошлиги бўлиб ишлаб келгансиз. Юқорида кўрсатилган имтиёзли нафақа тайинланаш ҳуқуқини берувчи 1 ва 2-рўйхатларда бу касб кўзда тутилмаган.

Шу сабабдан Сизга умумий асосда 60 ёшга станингизда қарилек нафақаси тайинланади.

*Ўқитувчиларимиз исмларимизнинг маъносини сўраб қолишиади. Кўпинча айтиб беролмай қийналамиз. Сизлардан илтинос: Зулфия, Зулал, Рӯзия, Барно, Баҳром, Ноила деган исмларининг маъносини тушунишиберсангиз.*

З. ШАМСИДДИНОВА,  
Хоразм вилояти, Урганч шаҳри.

Дарҳақиқат, ҳар қандай исм ўз тарихи, маъносига эгадир. Ота-оналар фарзандларига ўз атрофларини қурсаб турган борлик, жисмлар, табиат кўринишларига қиёслаб ном қўядилар.

Сизнинг саволингизга эса қўйидагича жавоб берини мумкин:

Зулфия-зулф, яъни жамалак, қокил, аёллар сочи маъносини билдиради. Зулфияни иккисочли, иккисорим сочғаси маъносиди ҳам тушуниш мумкин.

Зулал-зул-лал, яъни иккисал (иккисаб тавҳар) назарда тутилган бўлса керак), иккисаб, иккисебаҳо тош маъносидадир. Мабодо хотүгри ёзилиб, аслида Зилол, Зилола бўлса соф, пок, шаффофф, мусаффо демакдир. Борди-ю Зухал бўлса, у (иккисаб тавҳар) Сатури юлдузи демакдир.

Руҳия — кишининг ички ҳис-туйгуси (руҳияни яхши, завқли), кайфиятини билдиручи исм.

Барно — ёш, навқирон, чиройли..

Баҳром — Баҳри-дили очик, ором багишловчи, ҳузур-ҳаловатли одам деган маъноларни беради.

Ноила — ноил — бирон нарсага эришмоқ, ҳаёттой орау-ниятларга етмоқ, муссар бўлмоқ маъносини берувчи исмдир.


*Иккисаб тавҳандан болаликдан ногирон. Шу болаларга қараб турнишм ўчун нафақага үзисам бўладими?*

Х. НАЗАРОВА,  
Сирдарё вилояти, Ховс райони

Агар сиз ишдан бўшаб, ногирон болаларига қараб турнишм, Сизга 60 сўм тонон пули тўланади ва бу вақт меҳнат стажингизга қушилади.

Саҳифаларни мухбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлана.





Яшаб бўлмай жаҳонда умринг инсон, Дема ўтган умрга ҳеч пушаймон. Не қилмоқ истасанг етгунча қурдат Бугун қил, эрта бўлмас балки имкон.

АБУ АЛИ Ибн СИНО.

ОРАМИЗДА шахсий оромини камдан-кам ўйлайдиган, эл ташвишида бир ерда кўними йўқ, қаби мөхр-оқибат хисси билан тўлиб-тошган одамлар кўп, албатта. Улар бирон фахрий упворга ҳам эга эмаслар, кўксаи бирон марта ишон юзини кўрмаган, матбуотларда мақталиб, суратлари ҳадеганда куз-кўз қилинаверишини унча хуш кўрмайдиган, ўта камтар, аммо таъриф-тавсифлари оддий фуқаро оғзидан тушмайдиган, беназир, камсукум одамлар. Шундайлардан бири Бурчумла киплогилик Ботир Нуртоевdir. У ёшлигидан дала-дашт ва тогларга мөхр кўйди. Кунига йигирма, ўттиз чакирилаб йўл бошиб, чўл қезади. Инсон саломатлигини ўйлаб, турли ўт-ўланлар йигади. Олис Тыян-Шань тизмалари эса уни оҳанграбодай чорлагани-чорлаган.

У тонг билан йўлга чиқади, баъзида ярим тунда қайтади. Бир қараща атроф-теваракни кун чиққандан кун ботганга қадар пиёда бемалол айланниб чиқса бўладиган, ҳаммаёқ тентекиси, кафтингда тургандай. Аслида қанча юрсинг шунча кенглик кулоч ёйиб, чўлнинг поёни йўқка ўхшаб бораверади. Кўрмаган йўлнинг чуқури кўп, деганларидай баланд-пастликлар, қиямалар ман-ман деганинг тинка-тинкасини қуритади. Баҳор пайтлари қуюқ ўсган бутазорлағен дениздан чайқалган кўянатлар ичидаги кўмилиб, кузда эса олтин тусда товлайнган манзара узра сузасан гўё. Ҳар қадамда тушингга ҳам кирмаган ажойиботлар, сирли-сехрли содирликлар, тириклик гамида тинимиз харакатдаги мавжудотларни учратасан. Ҳамма нарса товланади, ҳаммаёқ рангбаранг турланиб, ақлингни олади. Табиат оламининг бунчалик мөъжииза-корлигидан ҳайратга туپасан, завқда тўлдасан. Ҳамма ёқда оқиши, сарғиш, қизил, қизигич, кўк, гунафша, жигар ранг, пушти ранг гуллари сарин шабадада бешикдай тебранган майди, ийрик баргли гиёхлар шивири, ер-кўкни тутган бесаноқ қушлар шивири... Бир-биридан шакл-шамойили ўзгача ўт-ўланларнинг аччиқ, тахир, хушибўй ҳидларидан бошинг айланади. Чўл райхони, чўл ялпизи, қизилтасма, келинтили, қушкўнмас, ачамбити, қарикиз, бўзноч, минглевона, қоқиёт, эрмон сингари саломатлик учун зарур даривор ўтлар табиатидан инсонга ҳада этган инъоми эҳсонидир. Лекин инсоннинг ўзи табиатдан шунчалик узоқланниб кетганини, қайси гиёҳнинг хосияти қандай, қайсиини қандай дардга даволиги, ундан қандай фойдаланиш мумкинлигини ҳар ким ҳам билавермайди. Ботир ака чўлда нимаики барқ ураётган бўлса, бари билан қадрди, худди жонли майважудотлардай тиллашиб, гаплашиб юради. Кўзини бояглаб қўйиб қайси ўт қанақалитини сўраб кўринг, ҳидига қарбехато айтб беради. Ҳар бир нафданхолининг тарихи, феъл-атвори, тақдирни ҳақида соатлаб ҳикоя қилиндан чарчамайди.

Биридан гул теради, бирининг пояси, барги, илдизини йигиб келиб, одамларга улашади. Шаҳар дорихоналарини доривор ўтлар билан таъминлагани учун ҳақ ҳам сўрамайди, ҳатто. «Хайрли ишлар учун ҳақ талаб қилиш гуноҳ бўлади», дейди у. Одамларни, яқин-йироқ, қариндош-уруг, таниш-билишларни сиҳат-саломат юришига нафи тегса, уларнинг чехрасида мамнунлик кўрса бас — ундан баҳтиёр одам йўқ дунёда. Шундан кўнгли хуш, шундан ором топгандай ҳис қиласи үзини. Фақат биргина истак яқин йилларгача тинчлик бермасди унга. Тыян-Шань тогларининг энг баланд чўққисига чиқсаму оламнинг бепоёнилигини мириқиб томоша қиласам, дерди нуқул. Балки у ёқларда ҳам ҳали кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гиёхлар кўпдир. Бироқ, йўлдошиз, ёлгиз одамга у ёқларга бориб қайтиш айтишгагина осон.

Ниҳоят мужда келди: Холтой мерган, Рассоқ мерган, Абдулазиз, Эргаш мерган сингари Тыян-Шаннинг ҳар қаричини биладиган овчилар билан ошно тутиндиди. Овчилар Чотқол, Кўксув, Оқбулоқ, Пеком, Ойгайн томонларни кезиб, сувсар, тулки, қуён.

# ЗУМРАД ТОГЛАР ОШИБ, ОЛТИН ЧЎЛ БОСИБ...

Конлон этинарди. Ботир ака уларга чой дамлаб, милтигини тозалаб, ўқлаб берадиган дастёрга айланади. Ҳарқалай, ов баҳона кундан-кунга аста-аста баланд кўтарилиб дунёнинг чеккасига яқинлашадиган ҳис қилиш билан мамнун эди у.

Аммо тасодифан оғир дардга чалиниб, умидлари чилпарчин бўлди. Шифохонага ётқизадилар. Жарроҳлар буйрагини, ўпкасининг бир бўллагини, кейинроқ ошқозонининг ярмисини олиб ташлайдилар. Ўтидан ўнхотдай тош ҳам топилади. Ҳуллас, бўсбутиун одам яримта бўлади-қолади. Қишлоқ-қа келгач ҳам эртадан-кечгача ёстиқдан бош кўтармай, беҳол, бемажол ётаверади. Олис-олис тогларга эса қаноти синган лочин кўкда учган қушларга қанчалик ҳавас билан боккандай у ҳам шундай юраги эзилиб тикиларди.

Ботир аканинг бетоблигини эшитган овчи дўйстлари тез-тез хабар оладиган бўлишади. Ҳар келганиларida осмон ўпар қоялар, ичи зим-зиё горлар, вахимали унгур, гаройиб даралар ҳақида ганириб бериб, баттар юрагини қизитишади. Ҳайрлашар чокларида эса у кўзларида жиққа ён билан коларди.

Бир куни Холтой мерган сирти тарам-тарам япалоқ тош олиб келиб берди.

Буни бир четидан оғзингага солиб сўравер, болам, шифо бўлади, дейди у, — Худо хоҳласа, ҳадемай оёқка туриб кетасан.

Яна бир куни Рассоқ мерган хушбўйлик таратувчи илдиз берди:

— Қайнатиб, сувини кунда уч маҳал бир ош қошиқдан ичавер — дейди, — дармонга тез кирасан. Инсон қадами камдан-кам етадиган, нафас олиш қийин жойларда ўсади бу. Минг дардга даво. Тибиётда «олтин илдиз» деб юритилади. Мана буниси «Қораандиз». Нафас қисишини бартараф қиласи.

Чўқаётган одам чўнга ёпишгандай Ботир ака ҳам овчиларнинг айтганларини бажаришга астойдил киришиди. Япалоқ тошни эса оғзидан қўймайди. Тишиласанг тишини синдирадиган нарса оғзида эриб, аввалига аччиқ таъм берриб, сўнг баданига хушбахтилик багишловчи мөъжизадан ҳайрон бўларди. Ундиға азалий синчковлик тинчлик бермай тошнинг сир-асорини билишга қанчалик уринмасин, овчилар кулиб қўйишарди-ю айтишмасди хеч.

Ойлар ўтади, бир йил, икки йил... Астойдил қоққанга эшик очилади, деганиларидай ниҳоят мөъжиза ўз кучини кўрсатди. Қатиқ, сутдан бўлак нарсани қабул этмайдиган ошқозон ҳар қандай овқатни ҳазм қиласидиган бўллади. Ўтика эркин нафас ола бошлайди. Қўкрак кенгайиб, вужуд кундай енгил тортиб бораётганга ўз

ди. Ҳозир ҳам остонасига қадам кўйган киши қиши-қировли кунларга қарамай, худди баҳор қучогига кириб бораётгандай сезади ўзини. Боглам-боглам гиёҳларнинг турли-туман ҳид, хушбўйларидан димоги чоғ бўлади. дили яйрайди.

— Инсон танасининг кушандаси атрофда тўзгиб юрган чант-губордир, — дейди Ботир ака, — ана шу чант-губор ҳаво билан ўнага кириб, бутун аъзоларни кемирди, мия ҳужайралари фаолиятини сусайтиради, одам тез қарийди, умри қисқарди. Шунинг учун бегубор табиат қўйнида юриб, унинг бебаҳо неъматларидан баҳраманд бўлганга не етсин.


Дарвое, ўзининг заифлигини тан олган табобатнинг ҳолигавой. Шундай вазиятга тушиб қолмаслик мақсадида тинмай ўқиш, ўрганишда ҳикмат кўп. Ҳамма нарсани билдим, деб ўзига ҳаддан ёйед ишониб кетган одам ютқизади доим. Ҳар кимнинг сиҳат-саломатлиги эса ўзининг қўлида, унинг узайтириш ҳам.

Ботир Нуртоев ана шундай насиҳат қиласи ҳаммага. Ўзи эса кунлар исиди дегунча Тыян-Шань томон парвозга отланади. Илгари даривор ўсимликларни қоплаб келса, энди тош ҳам йигиб келади. Абу Али Ибн Сино китобларини ўқиши билан ўзини бир ўлимдан асрар қолган ўша мөъжизакор япалоқ тош табиий мўмиён қотишмаси эканлигини билиб олган, уйда ўша «тош» лардан мўмиён аслӣ тайёрлайди энди. Дардмайдларнинг жонига оро кирад, ихломсанд шогирдлари кўпайиб, уларга ноботот илмидан амалий ўғит беради. Эшиги ҳамма вақт барча учун очиқ. Нажот сўраб келгандан ёрдамини аямайди. «Эл-улусга фойданг тегиб, мушкулини осон қилишдан ортиқ саодат йўқ», дейди у. Ҳозирги мўракқаб даврнинг муракқаб шароитида, айниқса, нарх-наво ошиб, энг ноёб дорилар тақчил пайтда айнан ҳалқ табобати кор келмаса, барча саъй-ҳаракатлардан нима наф? Лекин доим ҳам хоҳишига қараб иш юритишнинг иложи бўлмас экан. Ҳамма нарсада бўлганидек, мазкур ҳайрли фаолиятнинг ўзига хос муаммолари туғишиб қолган. Йўл кира ҳақи ошиб, айрим харажатлар учун маблағ озмунча талаб қилинмаётганилиги туфайли ҳадеганда тог-тошларга бориб, дала-дашт кезиб келишлар енгил кўчмайтири. Бунинг устига ҳар бир тайёрланган доринг юзта текширувдан ўтиши, ҳар бирга алоҳида рухсатнома олишинг, бунинг учун айрим идоралар эшигидан саргайишинг керак. Дори-дармон сўраб келаётган буюртмалар бўйича истаган маҳалинг юборай десанг почта қабул қилавермайди. Буниси камлик қилгандай почта ҳақи ҳам осмон-фалақда ҳозир.

— Бундай оғир шароитдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, бойлик ортираётгандар камми дейсиз, — ҳафа бўлиб гапиради Ботир ака, — қандайдир оддий илдиз, ўсимлик пояларини унга-унга даво деб, цуллаш, текширувдан ўтган-ўтмаган нималариидир аралаш-қураштириб, ҳалтачаларга тақсимлаб, мўмиё деб со-таётгандарни кўрганингда қонинг қайнафетади байзан. Шундан кейин ҳақиқий ҳалқ табобати соҳибларига ишонч қоладими?! Ахир ҳар ялтираган нарса олтин бўлавермаганидай ҳар бир жигаранг тус суюқлик ҳам мўмиё бўлавермайди-ку! Қадим-қадимдан маълумки, шарқ тибиётидаги синалиб, қанча-қанча цогиронларни, оғир хасталикларни даволаган мўмиён аслӣнинг ҳомашёси Тыян-Шань тогларидан бўлади фақат. Буни билган инглишмайди ҳеч қаҷон.

Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб, дегани нақл бор ҳалқида. Ботир Нуртоев тайёрланган дориларнинг қанчалик шифобаҳшлиги унинг ҳаётий таърибасида синовдан ўтиб, исботланган. Шу билан аҳамиятидир улар. Оддий ҳалқ ичидан чиққан Ботир Нуртоев каби тугмә табобат соҳиблари азалдан алда азиз, иззат-икрон-эъзодадир.

Жонрид АБДУЛЛАҲОНОВ.



Кураш тушиш бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган. Қадимда тўй-томошалар бусиз ўтмаган. Ҳозир ҳам спортнинг бу тuri кенг оммалашиб кетган. Республика мизда тез-тез кураш мусобакалари ўтказиб турилмоқда. Суратда ана шундай мусобакалардан бири акс эттирилган.

### «ПАХТАКОР», СЕНГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ

25 январда Москвадаги МАСК футбол — енгил атлетика комплексида Ҳамкорлик давлатлари чемпионлари мусобакаси бошланади.

Унда Республика биринчиликларининг голиблари катнашадилар. Ўзбекистон ва Арманистонда бир йўла иккитадан команда чемпиони деб эълон килингандиги муноасабати билан муайян муаммога дуч келинди. Украннада ҳам вазият чалкашрор, турнирда ким — ўтган йилги чемпион Симферополнинг «Таврия» командасими ёки бу йилги биринчилик дастлабки даврасининг голиби Днепропетровскнинг «Днепр» командаси катнашадими — ҳали аниқ эмас.

Ўзбекистон футбол федерациясидан бизга республика миздан Тошкентнинг «Пахтакор» командаси иштирок этишини хабар килишиб. Арманистон ва Украина клублардан кайси бири иштирок этиши масаласи ҳали ал этилгани йўқ.

Мутахассисларнинг фикрича беллашув юксак даражада ўтиши керак. Мусобака катнашчилари бунинг учун ҳамма тадбирларни кўраётгандар. Каттагина соврин — 20 миллион сўм ажратилди, шундан 7 миллион сўми голибларга топширилади. Москванинг Спартак командасининг голиб чиқиши эҳтимол тутилаётган бўлса-да, тошкентликлар бу командага бўш келмайди, деб умид қиласиз.



Пойтахтимиздаги «Динамо» стадиони тенис корти ҳаваскор тенисчилар мөхир спортчилар билан доимо гавжум. Жамоатчи суратга оловчимиз Мухаммад Амин бу суратини «Голиблик» учун кураш деб номлабди.

### ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПЛЕНУМИ

ЎЗБЕКИСТОН футбол федерациясининг бўлиб ўтган пленумида федерация президенти этиб яна Тошкент шаҳар ҳокими Атҳамбек Иброҳимович Фозилбеков сайланди. Баҳодир Исломов ва Шавкат Тўлагановлар вице-президент этиб тайинландилар.

Пленумда Олий лига биринчилигини ва янги формулада республика чемпионатини ўтказиш ҳақидаги маса-

лалар мухокама қилинди.

ПОРТУГАЛИЯ футбол чемпионати жамоалари уч ҳафталик танаффусга чиқдилар. 18 ўйиндан 29 очко тўплаган «Порто» жамоаси биринчиликда ҳозирча пешқадам бўлиб турибди.

Грецияяда эса машҳур «Олимпиакос» жамоаси чемпионатда биринчи ўринни эгаллаб турган АЕКни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб иккинчи ўриндан мустаҳкам жой олди.

### ТИЖОРАТ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҖАМФАРМА БАНКИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ФОИЗ УСТАМАЛАРИНИ ОШИРДИ.

ЭНДИ УЛАР 1993 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ҚУЙИДАГИЧА БЎЛАДИ.

#### Йўқлаб олинадиган омонатлар бўйича

— 10 фоиз;
сақланиш муддати белгиланган жамфармалар бўйича
— 1 йилдан 3 йилгача — 20 фоиз;
— 3 йилдан 5 йилгача — 30 фоиз;
— 5 йилдан кўп бўлганда — 45 фоиз;
ёшлар — мукофотли омонатлар бўйича — 20 фоиз;
болалар мақсадли омонатлар бўйича — 45 фоиз;
тўпланадиган омонатлар бўйича — 45 фоиз;
ютуқли омонатлар бўйича — 6 фоиз;

ЖАМФАРМА БАНКИ ЭНГ ИШОНЧЛИ БАНК БЎЛГАН ВА БЎЛИБ ҚОЛАДИ, УНИНГ ОМОНАТЧИ ОЛДИДАГИ БАРЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚАФОЛАТЛАНГАН.



### БУЮРСАНГИЗ БАС

«Ишонч» газетаси таҳририяти қиска муддатда таклифномалару ташрифномалар (визиткалар)ни, фирма бланкалари-ю этикеткаларни, ёрликлару нархномаларни тез ва сифатли тайёрлаб беради, турли хил матнларни кўпайтириш ишларини бажаради.

Бизга буюрсангиз бўлгани

#### МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳар,  
«Правда Востока»  
кўчаси, 24 уй.

Маълумот учун телефон: 56-87-59.



**ДЕМОКРАТИК  
ДАВЛАТЛАР  
САФИ  
КЕНГАЙМОҚДА**

«ФРИДОМ ХАУС» («Озодлик уйи»), деб аталувчи мұytабар хусусий ташкилот дүнөдә 1992 йилда рүй берган сиёсий ўзғаришларни таҳлил килиб, шу иили жаҳонда яна саккыста демократик давлат түзилди, деган хуласа келди. «Жаҳонда эркінлик ривожининг таҳлили» деб аталувчи йиллик маърузаларда айтилишича, дүнёдаги демократик давлатлар сони 1972 йилдаги 44 тадан 1992 йилда 99 тага етди. Сиёсий таҳминларга кўра 1993 йил охиригача яна етти мамлакат демократик давлатлар сағига кўшилиши мумкин.

«Фридом хаус» таснифига кўра, ўрганилган 186 мамлакатдан 75 таси эркин, 73 таси кисман эркин бўлиб, 38 мамлакат хали эркінликка эришмаган. Шу ташкилотнинг маълумотларида айтилишича, ер куррасидаги 5,4 миллиардан ортиқ аҳолининг 69 фоизи хозир эркин ёки кисман эркин давлатларда яшамоқда.

1989 йилдан дунёда, айниқса Марказий Европада катта ўзғаришлар содир бўлиб, айрим мамлакатлар ўз мақомларини ўзgartирдилар. Бу мамлакатларда бозор иқтисодиёти унсурлари собиқ авторитар раҳбарлар бошлигидаги кисман демократик хукumatлар билан қоришиб кетди. Янги демократик мамлакатларда турли дарражадаги эркінликлар қарор топди. Уларнинг айримларида миллий ва диний адоват негизида қонли биродар кушлик ва фуқаролар уруши вужудга келди. Кўпгина мамлакатлар давлат тузумининг мустақиллигига ва демократияни ривожлантиришга тинч йўл билан эришомдилар. Юgosлавия, Арманистон, Молдава, Озарбайжон, Тоҷикистон шулар жумласига киради.

Жаҳон ҳамжамияти айрим мамлакатларда мутлақ ҳокимият сақланиб, фуқароларга асосий сиёсий ва ижтимоий ҳукуқлар берилмаган бир вазиятда 1993 йилга қадам кўйди. Ана шундай 12 мамлакат орасида Бирма, Ганти, Ирок, Ливия, Сомали, Перу, Судан, Суріяда ахвол айниқса чатоқ, Шарқий Тимор (Индонезия) ва Косово округи (Сербия)да энг муддиҳи бошишарув тизими ҳукм сурмоқда.

Эстония ва Латвияда этник жиҳатдан чекланган демократия ўрнатилиб, уларда этник (миллий) белгиларга қараб фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркінликлари чекланмоқда. Энг кўп ахоли яшайдиган Ҳиндистонда 1992 йил охирларида диний-этник негизда рүй берган воқеалар шу мамлакат демократиясига птур етказиш ҳавфини тудирмокда.

Сиёсатшуносларнинг фикрича, 1993 йил жаҳон ҳамжамиятида сиёсий барқарорлик йили бўлади, миллий-этник ва диний негиздаги низолар тўхтайди, бир катор мамлакатлардаги фуқаролар уруши тўхтатилади. Европа мамлакатларининг ягона иқтисодий майдонга айланиш жараёни кучайиб, Марказий Европадаги давлатлар ўтасидаги низолар ва зиддиятлар камаяди.

1993 йил сиёсий ва ҳарбий низолар тугатиладиган йил бўлиб, яқин атрофимиздаги республикаларда тинчлик ўрнатилилади.

Сиёсатшуносларнинг, хусусан «Фридом хаус» ғиммий ходими Жозеф Рейнинг фикрича, демократияни ривожлантиришнинг энг яхши йили — инсон ҳукуқлари ва эркінликларни таъминлашdir.

Э. КАРИМОВ,  
сиёсатшунос, профессор.

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● «ИНТЕРФАКС» ахборот агентлигининг гувоҳлик беришича, 1 февралдан бошлаб Россиядан ҳамдустлик мамлакатларига чиқариладиган баъзи молларга бож белгиланади.

● **ТУРКИЯ** ҳукумати Грузияга 50 миллион доллар микдорда қарз берадиган бўлди. Бу ҳақдаги хабарни Грузия ташки ишлар вазири Александр Чикваидзе маълум килди.

● **ЯПОНИЯ** яқин кунлар ичida Ўзбекистон, Беларусия, Козогистон ва Украинада дипломатия ваколатхоналарини очади. Япония Ташки ишлар вазири матбуот котиби М. Ханабусанинг таъкидлашича, ҳар бир элчинонада иккитадан дипломат ишлайди, лекин факат Беларусиядаги на ваколатхона бошлиги элчи мақомига эга бўлади, холос.

● **ИРНА** агентлигининг хабар беришича Эдуард Шеварднадзе Техронга расмий ташрифи чоғида Грузия ва Эрон ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кирганинги таъкидлади. Грузия парлamenti раиси Техрон билан сиёсий, иқтисодий, илмий савдо-сотик, кишлок хўжалиги, транспорт соҳаларида битим тузилига умид боғлаётir. Айниқса, Эрои газини бу мамлакатга

етказиб бериш ҳақидаги битим тузилишига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Э. Шеварднадзе Эроннинг Марказий Осиё, Кавказорти давлатлари ҳамда Грузия билан муносабатлар борасида тутган сиёсатини юксак баҳолар экан, Озарбайжон ва Арманистондаги хунрезликин тўхтатиш йўлида Эрон билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини айтди.

● **ГРЕЦИЯ** пойтахтидаги январь ойи учун хос бўлмаган күёшли ва иссиқ об-хаво Афина ахлини кувонтирмаяпти. Бу ерда шахарни коплаб олган бўғувчи тутунга қарши кураш борасида фавқулодда чоралар кўрилмоқда. Шаҳар ичida автомобилларнинг юршига рухсат берилган, холос. Бу чоралар Афинада хаво ифлосданишининг белгиланган меъёрдан ошиб кетганини сабабли кўлланилаётir.

Вужудга келган вазият таъсири туфайли юрак ва ўпка фаолияти мураккаблашган ўнлаб беморлар шифохоналарга ётқизилди. Иссиқ хаво ва ёмғир ёғмаётгани сувни тежаб ишлатиш юзасидан тадбирлар кўллаш ҳавфини ҳам юзага келтириди. Матбуот хабарларига қараганда Афина атрофидаги сунъий ҳавзалардаги сув баҳор ёмғирлари ёғадиган муддатгача етмайди. Ана шу сабабли ҳукумат пойтахтда сувни тежаш борасида тадбирлар ишлаб чишишга киришган.

## ЮГУРГАНИЧА... ҚАМОҚХОНАГА!

БРЕТАНИДА яшовчи Франция граждани Жаки Бленвен кундалигини француз тилида эмас, балки ўз она тили бўлган бретон тилида ёзганлиги учун Покистонда қамоқча олинган.

Олий тижорат мактабини битирган, уста Программачи, 35 ёшли Жаки Бленвен ўз яқинларини ҳайрон қолдириш мақсадида ўтган иили фақат югуриш усулида дунё бўйлаб саёҳатга чиқишига қарор қилган. Ўзи учун энг зарур нарсаларни олиб у 1991 йилнинг 14 сентябрида туғилиб ўстган шаҳри Брестни тарқ этган ва ҳафтасига ўртача 300 километрдан югуриб Швейцария, Туркия, Эронни ортда қолдирган. Ундан уйига мунтазам равишда почта открытикалари келиб турган. 1992 йилнинг февраль ойида Жаки Покистон ҳудудига етиб келган. Ўшандан бошлаб югурувчидан почта открытикалари келмай қўйган. Брестда эса унинг таниши билишлари ташвишга туша бошлашган. Ҳатто Жакини қидириш бўйича уюшма тузилган ва унга 600 киши аъзо бўлган. Покистонга Жакининг дўстларидан иборат махсус «экспедиция корпуси» жўнатилган. Лекин улар ҳеч бир натижасиз қайтиб келишган. Қидириувга Франция ташки ишлар вазирилиги, ҳатто контразведка разведкачилари ҳам жалб қилинган. Лекин вазият ойдинлашмаган.

Кутилмаганда Бретанига ўзининг тижорат ишлари билан келган ливанлик Шарли Шанер қидириувчиларнинг мушкулини осон қилган. У бу иш билан шуғуллашини бўйнига олган ва тез орада омадсиз югурувчини Покистондаги қамоқхонадан топган. Уни покистонлик чегарачилар қамоқча олишган экан. Бунга сабаб Жакининг кундалиги бўлган. Текширув пайтида кундаликни кўрган чегарачилар француз тилини биладиган зобитни чақиришган. У албатта бретон тилида ёзилган ҳатни ўқий олмаган ва уни жосусларнинг кодлаштирилган тексти деб ўйлашган. Югурувчининг ҳар қанча тушунтишлари бекор кетган.

Лекин энг асосийси, саёҳат ишқибозининг қаердалиги энди маълум. Уни қутқарувчи дўстлари уюшмаси аъзолари Жакини ўтган иили тўхтаган югуришини охирига етказишини сўраб Ташки ишлар вазирилигидан рухсат олишга ҳарарат қилишмоқда.

В. ПРОКОФЬЕВ,  
Париж.



Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳри кўчаларидан бири.

Р. ЖАББОРОВ олган сурат.

## «КЕНГУРУ ҲАМ ҲАЛАҚИТ БЕРОЛМАДИ»

БАРЧА зарур йўл ҳужжатларини синчиклаб ўрганиб чиқсан «Гиннеснинг рекордлар китоби» эксперлари «Дунё автораллиси» бўйича янги жаҳон рекордни эълон қилдилар. Ҳиндистонлик эр-хотин Салоо ва Нинна Чоудхарилар планетанинг олти қитъасидан ўтган қирқ ярим минг километрлик йўлини босиб ўтишларига 39 кун 20 соат ва 15 минут вақт сарфланганлар.

Рекорд натижага эришиш учун улар ҳар куни жазира мақсадида синчиклаб ўрганиб чиқсан «Гиннеснинг рекордлар китоби» эксперлари «Дунё автораллиси» бўйича янги жаҳон рекордни эълон қилдилар. Ҳиндистонлик эр-хотин Салоо ва Нинна Чоудхарилар планетанинг олти қитъасидан ўтган қирқ ярим минг километрлик йўлини босиб ўтишларига 39 кун 20 соат ва 15 минут вақт сарфланганлар.

Рекорд натижага эришиш учун улар ҳар куни жазира мақсадида синчиклаб ўрганиб чиқсан «Гиннеснинг рекордлар китоби» эксперлари «Дунё автораллиси» бўйича янги жаҳон рекордни эълон қилдилар. Ҳиндистонлик эр-хотин Салоо ва Нинна Чоудхарилар планетанинг олти қитъасидан ўтган қирқ ярим минг километрлик йўлини босиб ўтишларига 39 кун 20 соат ва 15 минут вақт сарфланганлар.

А. НИКОЛАЕВ  
Деҳли.

## ҮЛИК ОНАНИНГ ТИРИК БОЛАСИ

ҚОРНИДА уч ойлик ҳомиласи бўлган 18 ёшли Марион исмли аёл автомобиль ҳалокати натижасида ҳалок бўлган. Врачлар унинг боласини сақлаб қилишга бор куч ва имкониятларини сарфлаганлар. Махсус аппарат ёрдамида эмбрионнинг нафас олиши ва қон ай-

ланиши таъминлаб турилган. У организм учун зарур бўлган етти хил гармониларни худди соғлом онадек олиб турган. Эмбрион ҳозир тирик, врачлар уни март ойида туғилишига умид қилмоқдалар.

Р. КОЛЧАНОВ,  
Бонн.

10.45 «Экзотика».  
 11.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер».  
 12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий фильм. 124-серия.  
 12.50 «Пилигрим».  
 13.35 «Дехконларга таалукли масала».  
 14.00 «Гапгаштакларни кўмасб».  
 14.30 Мульти-пульти.  
 14.40 «Менинг планидаминг оҳангি».  
 14.55 Теннис бўйича Австралия очик чемпионати.  
 15.50 «Терминал».  
 16.20 Янгиликлар.  
 16.35 «Сигнал».  
 16.50 Трансроэфир.  
 17.35 «М-трест».  
 18.00 — 22.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 22.00 Хабарлар.  
 22.20 «Юлдузлар билан сухбатда».

22.30 Maxsus тижорат хабарномаси.  
 22.40 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.  
 23.10 Спорт кўрсатуви.  
 23.15 «Танаффус».  
 23.25 «Осоишта уй».

## 29 ЖУМА

● ЎЗТВ I  
 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.  
 7.25 «Лола Оқилова раксга тушади». Фильм-концерт.  
 7.55 «Сиз ҳам осмонни кўрасиз». Бадий фильм.  
 9.05 Инглиз тили.  
 9.40 «Аёл меҳри» Кино-программа. 10.40 «Истиклилам — истиқболим».  
 18.00 Янгиликлар.  
 18.10 «Қатта саёҳат».

Мультфильм.  
 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади.

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Қадрят».

19.50 «Оламга саёҳат». Кинокурстув.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

20.55 Тижорат хабарлари  
 21.00 «Уорлднет» телекомпанияси янгиликлари (АҚШ).  
 21.30 Ўзбекистонда Кораллоғистон Республикаси маданияти кунлари.

● ЎЗТВ II  
 БИШКЕК КЎРСАТАДИ ● «ОРБИТА IV»  
 6.00 Янгиликлар.  
 6.35 Эрталабки гимнастикা.  
 6.45 «Тонг».  
 9.00 Янгиликлар.  
 9.20 «Кузянинг саргузаштари», «Кузянинг кайтиши». Мультфильмлар.  
 9.50 «Олеся ва компанияя».  
 10.20 «Пи» белгиси билан.  
 11.10 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).  
 12.00 Янгиликлар.  
 12.20 В. Дельмар. «Фаридлар».  
 14.50 Янги номлар. В. Шестопал чалади.  
 15.00 Янгиликлар  
 15.25 «Бридж».  
 15.50 «Бизнес-класс».  
 16.05 «Ён дафтари».  
 16.10 «Олеся ва компанияя».  
 16.40 «Балаам бугун. Эртага-чи?»  
 17.10 «Телеёдномалар».  
 17.40 «Иш».  
 17.50 «Мушук Леопольдинг автомобили». Мультфильм.  
 18.00 Янгиликлар

18.20 Давлатларо «Останкино» телеканали таниширади. «Хисоблаш нуктаси». МДХ давлат раҳбарларининг Минскдаги учрашуби.  
 18.45 «Инсон ва конун».  
 19.15 «03-вагон».  
 19.45. «Мўъжизалар майдони».  
 20.40 Хайрли тун, кичкин тойлар!  
 21.00 Янгиликлар.  
 21.25 «Детективлар клубида».  
 23.10 «Эка невидаль». Телефильм. «ВИД» таниширади  
 23.25 «Сиёсий бюро».  
 00.40 «Музобоз».  
 01.20 «Хафтанинг машхур кишиси».  
 01.35 «Обоз майдончаси».  
 02.35 «Баскервилей ити».  
 ● «ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
 8.00 Хабарлар.  
 8.25 Ишбилармон кишилар даври.  
 8.55 Мульти-пульти.  
 9.05 «Осоишта уй».  
 11.00 «Хайвонот оламида».  
 12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий фильм. 125-серия.  
 12.50 «Ўз-ўзига режиссёр».  
 13.35 «Дехконларга таалукли масала».  
 14.00 «Ижица».  
 14.30 Трансроэфир.  
 15.00 «Рост» студияси.  
 15.30 «Телебиржа».  
 16.00 Янгиликлар.  
 16.15 Теннис бўйича Австралия очик чемпионати.  
 17.10 «Минора».  
 17.25 Парламент хабарномаси.  
 17.40 «Менинг планидаминг оҳангি».  
 18.00 Хабарлар.  
 18.25 Жума кунлари Уолт Дисней.  
 19.15 — 23.35 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 23.35 «Осоишталик № 9».  
 00.35 «Олмос зарралари»...

## 30 ШАНБА

● ЎЗТВ I  
 7.00 «Ассалому алайкум».\*  
 8.00 «Метичара — денгиз жонивори». Бадий фильм.  
 9.25 «Алифбо сабоклари».  
 9.55 «Суянчигим — шерьярият». Жумавой Шаматов.  
 10.10 «Фармон ва ижро».  
 10.40 «Инсон саломатлиги ва атроф-муҳит».  
 11.20 «Аёл кадри». Хотин-клизлар учун кўрсатув.  
 12.05 Еш спортчилар мактаби.  
 12.55 «Пахта уруғчилиги истиқболи».  
 13.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Омад».  
 14.05 «Халқ таълими: тажриба, изланиш ва муаммолар».  
 14.55 «Оила».  
 15.55 Тижорат канали. «Фамхўрлик, самараси».  
 18.00 «Кўшиғим, жон кўшиғим», «Булбулча» дастасининг Туркия таассуротлари.  
 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.20 «Аралаш». Хажвий киножурнал.  
 19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шарқ дурданолари».

20.30 «Туркистан» ахбороти.

21.00 Жаҳон спорти янгиликлари.  
 21.10 «Актёрлар ва роллар».

22.00 Катталар учун мультфильм.  
 22.15 Жаҳон киноси хазинасидан. «Джазда факат кизлар». Бадий фильм ● ЎЗТВ II АШГАБАТ КЎРСАТАДИ ● «ОРБИТА IV»  
 7.00 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».  
 7.45 Эрталабки гимнастика.  
 7.55 Янгиликлар.  
 8.35 Экологик шарх.  
 8.50 Футбол. Ҳамдўстлик чемпионларининг кубоги.  
 9.40 «Марафон-15» — кичкин тойларга!.  
 10.05 «Бумеранг».  
 10.35 «Тибиёт сиз учун».  
 11.05 «Шанба кунги дастхат».  
 11.35 «Китобхона».  
 12.15 «Шарқдан князъ келадими?» С. Алексеевнинг Осиен туркумлари. 2-кўрсатув.  
 12.45 «Фариштагинам». Киска метражли телевизион бадий фильм премьера.  
 13.15 «Дунё дам олишда».  
 13.55 «Номинг ўчсин, уруш!» туркумидан хужжатли фильм премьера. 4-фильм — «Тузокда», 5-фильм — «Волгадаги ҳал киувчи жанглар».  
 15.00 Янгиликлар.  
 15.20 «Сафар ҳакида хотирадар ёки Испанча оҳанглар». 2-кўрсатув.  
 15.55 «Дракулито — вамирча». Кўп серияли мультфильм премьера.  
 16.20 «Марказий экспресс».  
 16.50 «Ультра-си» спорт кўрсатув.  
 17.50 «Кизил квадрат».  
 18.30 «Хайвонот оламида».  
 19.15 Л. Илларионова ижросида кадимий рус романслари.  
 19.50 «Коламбия пикчерс» таниширади. «Худди ўша танга билан». Телевизион бадий фильм премьера. «Адолат кўчаси» сериалидан (АҚШ).  
 20.40 Хайрли тун, кичкин тойлар!  
 21.00 Янгиликлар.  
 21.20 «Коламбия пикчерс» таниширади: «Юлдузларнинг яратувчиси». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьера. 4-серия.  
 22.15 «Койил».  
 23.40 Катталар учун мультфильмлар.  
 24.00 Янгиликлар.  
 00.35 «Сно-видение» ● «ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ  
 8.00 Хабарлар.  
 8.20 «Оламга ўз нигохи билан караш».  
 8.45 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш»  
 9.15 Ишдан бўш пайтингизда. «Телестройсервис».  
 9.30 «Бурда моден» тавсия этади...»  
 10.00 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.  
 10.30 Видеошеръият.  
 10.45 Кичик кинозал. «Мания». Киска метражли бадий фильм.  
 11.10 Теннис бўйича Австралия очик чемпионати.  
 12.05 — 14.45 «ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ \*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 14.45 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.  
 15.30 «Пеликан» акцияси. С. В. Раҳманинвонинг 120 йиллигига бағишинади.  
 16.30 «Тилла шпора».  
 17.05 «Чегарасиз футбол».\*

18.00 — 20.25 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 20.25 Хонаки экран. «Бўйлиши мумкин эмас». Бадий фильм.  
 ● ЎЗТВ III АШГАБАТ КЎРСАТАДИ ● «ОРБИТА IV»  
 7.00 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».  
 7.45 Эрталабки гимнастика.  
 7.55 Янгиликлар.  
 8.35 Экологик шарх.  
 8.50 Футбол. Ҳамдўстлик чемпионларининг кубоги.  
 9.40 «Марафон-15» — кичкин тойларга!.  
 10.05 «Бумеранг».  
 10.35 «Тибиёт сиз учун».  
 11.05 «Шанба кунги дастхат».  
 11.35 «Китобхона».  
 12.15 «Шарқдан князъ келадими?» С. Алексеевнинг Осиен туркумлари. 2-кўрсатув.  
 12.45 «Фариштагинам». Киска метражли телевизион бадий фильм премьера.  
 13.15 «Дунё дам олишда».  
 13.55 «Номинг ўчсин, уруш!» туркумидан хужжатли фильм премьера. 4-фильм — «Тузокда», 5-фильм — «Волгадаги ҳал киувчи жанглар».  
 15.00 Янгиликлар.  
 15.20 «Сафар ҳакида хотирадар ёки Испанча оҳанглар». 2-кўрсатув.  
 15.55 «Дракулито — вамирча». Кўп серияли мультфильм премьера.  
 16.20 «Марказий экспресс».  
 16.50 «Ультра-си» спорт кўрсатув.  
 17.50 «Кизил квадрат».  
 18.30 «Хайвонот оламида».  
 19.15 Л. Илларионова ижросида кадимий рус романслари.  
 19.50 «Коламбия пикчерс» таниширади: «Юлдузларнинг яратувчиси». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьера. 4-серия.  
 20.40 «Аралаш»  
 21.15 «Артист»нинг хайрлашув гастроли». Бадий фильм.

● ЎЗТВ I БИШКЕК КЎРСАТАДИ ● «ОРБИТА IV»  
 6.55 «Рұхни чиникириш».  
 7.55 Янгиликлар.  
 8.30 Эрталабки гимнастика.  
 8.40 «Спортлото» тиражи.  
 9.00 «Марказ».  
 9.30 «Эрта сахарлаб».  
 10.00 «Хозирча ҳаммаси жойида». Дам олиш кўрсатув.  
 10.30 «Тонг ўлдузи».  
 11.20 «Сиз бунга кодирсиз».  
 12.05 «Қора кўркам от саргузашлари». Болалар учун кўп серияли телевизион бадий фильм премьера.  
 12.30 «Марафон-15» — старт».  
 «КТВ-1» ва «Франс интернациональ» канали таниширади.

● ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ 1. «4 авлодлар».  
 2. «Умид». Мусавирилар Л. Ибрагимов, М. Качаров (уйгур тилида).  
 3. «Оҳанграбо». Ўзбекистон Республикасининг халқаро алокаларин ҳақида.  
 4. «Чисен» (корейс тилида). «ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ 1. «Шарқ тароналари».  
 2. «Дўстлар даврасида». Литва маданий маркази ҳақида.  
 3. «Безнен мирас» (татар тилида).  
 4. «Олам кўз ўнгимизда». Тянь-Шань этаклари киш.



1965 йилнің күз ойлары эди. Пахтакорлар билан учрашувга отланды.

Сафарга борадиганлар орасыда таниқли шоирлар Эркін Вөхидов, Абдулла Оріпов, Барот Бойқобиев ва ҳозир сағимизда йүқ Шотурсун Гуломов, Анвар Истроилов, Сами Абдуқаҳхор, Хайриддин Салох, Юсуф Шомансуровлар бор эди. Мен бадий адабиёт нашриётининг шеърият бўлимида ишлар эдим. Бўлимга устоз Гайратий кириб келдилар.

— Хайрли ишга бел боғлабсизлар, — дедилар Гайратий дом-

— Ҳазрат Мұқимиининг ҳужрапарыда чироқларини ёқиб ўтирибмиз! — деганлари қулоқларим остидан ҳали-ҳали кетмайды.

Ошхўрликдан сўнг бир пиёла чой устида Мұқимиий уй-музейида аллама-алгача шеърхоник бўлди. Кўпроқ домла Чархий янги ёзган ғазалларидан ўқиб бердилар. Ғазаллар араб алифбосида кичик-кичик оппоқ қофозларга нақадар чироили ёзилгандики, Чархийнинг ҳусниятлиги шундоққина кўриниб туради. Ҳар бир сўз, ҳар бир сатр беҳад меҳр ва иштиёқ билан битилган эди. Уни ҳам-

## ИҚКИНЧИ УМР

ла. — Сафарни Кўқондан бошлар-кансизлар. Шоир Адҳам Ҳамдам сизларни кутиб олади, у сира, зериктирумайди, ажойиб инсон, ажойиб ижодкор Фақат бир нарсанни унтиб қўйманлар: Қўқонга борганингизда албаъта, Чархийни зиёрат қилинглар. Камсукум, ижодкорни кўриб ўтмаслик гуноҳи азим, болаларим!

Менинг хаёлимга ғазалхон шоир Чархийнинг нашриётимизга олиб келинган қўлёзма китобини ўқиб чиққаним, ундаги ғазалларнинг тиниқлиги, равонлиги, тасвирларга бойлиги ярқ этиб келди.

**Бу мамлакатим манзилу кошонаси яхши,**  
Олтин еримиз ҳосили —  
дурданаси яхши,  
**Ҳар гулдин азиз паҳта гулин шонаси яхши,**  
Мард элга макон мардуми  
Фарғонаси яхши.  
**Шу мард элисиҳ ёшу қадрдон отахонлар.**

Сафар беҳад қувноқ ва завқли бошланди. Адҳам Ҳамдам Гайратий, домла айтганларидай, чиндан ҳам ҳазил-хузул, аскиянинг кони эканлар. Учрашувдан сўнг латифа латифага уланади, аския аскияга... Адҳам ака бизни Чархий домланикига ҳам бошлаб борди. Бизни остоңада кутиб олган, қўлида капгир ўйнатиб ош дамлаган ихчамгина, аммо серҳаракат, одмигина кийинган ўша киши ажойиб ғазалнавис шоир, ўзбек назмининг усталаридан бири Чархий домла бўлди.

## МЎЙНОҚ ГЎЗАЛИ

МЎЙНОҚ районида... гўзал қизлар кўрик-таплови бўлиб ўтганлиги кўпчиликка ажабланарди туюлса керак. Лекин экологик хавфли зона маркази хисобланган Модели овул кенгаши ташабуси билан ўтказилган мазкур тадбир ўзига хос, ниҳоятда кизикарли бўлди. Биз телевизор экранлафида кўравериб одатланиб қолганимиздек, бу ердаги кўрик-тапловда ялангоч аёлларнинг баданларини кўз-кўз килиши, ҳар хил беўшов қиликлар мутлако бўлмади. Таплов шартига мувоғи Модели, Шегели, Шагирли, Бўзатов, Тикўзак овулларининг 30 нафар сарвомат қизлари ўз кўллари

билан бичиб-тишишган миллий кийимларни кийиб кўрсатишди.

Қизларнинг барчаси белашувга пухта хозирлик кўриб келингани матълум бўлди. Аммо, Шагирли овулдаги мактабнинг ўн биринчи синф ўкувчиси Зиёда Ўркбоевага тенг келадигани бўлмади. У ўзини тута билиши, сарв-комати, урф-одатни яхши билиши, одоб-икроми, пазандалиги ва чеварлиги бос ҳакамлар хайъати томонидан якдиллик билан Мўйноқнинг дастлабки гўзали деб тан олниди.

«Мўйноқ гўзали» кўрик-таплови анъанага айланиб, бундан кейин мунтазам ўтказилиб турилади.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,  
«Ишонч» мухбири



Ўхшайтими?..

Адҳам ака Фарғонага жўнаб кетибди. Чархий домла кечки пайт уйга қайтибди-ю бу шум хабарни эшишиб, йиғлаб юборибди: «Вой бечора, вой бечора!» деб оҳ урибди. Сўнг битта автобус буюртма қилиб, бутун қўқонлик ижодкорларни хабарлаб келибди. Ярим тунда бир автобус одам Фарғонага — Адҳам Ҳамдамнинг уйига йўл олишибди. Тонг гира-ширасида Адҳам аканинг кўчасига етиб боришганда хонадон жимжитлигини кўриб аввалига ҳайратланишибди, сўнг ноилож қўнғироқни босишибди. Эшикни елкасига тўн ташлаган Адҳам Ҳамдам очганида, Чархий домла ёқа ушлаб қолибди:

— Тушимми ё ўнгимми, чиндан ҳам ўзингизмисиз, Адҳамжон! — деб қучоқ очиб кўришибди.

— Янглишмадингиз, домла! — дебди Адҳам Ҳамдам. — Сизларни жуда соғингандим, шундай қилмасам келмайсизлар ҳам.

— Вой, ҳазилингиз ўлсин-а, Адҳамжон! Мен чиппа-чин ишониман, — ҳамон ҳайратланарди Чархий домла.

Шу куни Адҳам Ҳамдам Кўқондан «жанозага келтан»ларни кечгача меҳмон қилибди:

— Онам саккиз ёшимдан шеър ёдлаш ва ёзишдан таълим бера бошлади. Отам эса бўш вақтларида ҳусният ҳам ўргатардилар. Онамдан шоирликни, отамдан эса ҳусниятни ўргандим... — деб ёзган эди у ўз таржимаи ҳолида.

Шоирнинг отаси тўқувчи эди. Шунинг учун ҳам Асқарали ўзига Чархий деб тахаллус қўйди.

Бир воқеани Адҳам ака айтиб берган эдилар. Таҳририят топшириғи билан Адҳам Ҳамдам Кўқонга келади. Ишлари битгач Чархий домлани зиёрат қилгани борадилар. Шоир юмуш билан қаёққадир кетган бўладилар.

— Меҳмон, нима хизматингиз бор эди? Мен айтиб қўя қолай, — дейди эшикни очган рафиқаси. — Агар вақtingиз бўлса, уйга кириб пойлаб ўтира қолинг. Ҳали-замон келиб қоладилар.

Адҳам аканинг шумлиги тутиб қолиб:

— Фарғонадан келган эдим. Домлага бир совуқ хабарни етказиб қўйсангиз. Фарғоналик дўстлари Адҳам Ҳамдам тўсатдан ватофтади. Эртага наҳорга чиқаришаркан, деб қўйсангиз, бас! — дебди.

Аёл Адҳам Ҳамдам номини эшишибди-ю юраги тўлиб:

— Вой бечора! Жуда яхши одам эди-я. Ҳудо раҳмат қилсан, албатта айтиб қўйман, — дебди-ю ичкарига кириб кетибди.

## ТУЛҚИН.

## Ишонч

Бош мухаррир  
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ  
(бош мухаррир мувонини),  
Абдуманон АЛИМБОЕВ,  
Мухаммадлатиф ЖУМАНОВ,  
Турғунбай МАДИЁРОВ,  
Турғун НАЗАРОВ  
(масъул котиб),  
Абдурасул РЎЗМАТОВ,  
Саминжон СУЛТОНОВ  
(вилоят мухбири),  
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,  
Шабот ҲЎЖАЕВ,  
Санобар ҲЎЖАЕВА.



- Бош мухаррир қабул-хонаси 56-25-36
- Бош мухаррир мувонини 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

### БЎЛИМЛАР

- Ижтимоӣ, иқтисодӣ ва социал масалалар — 56-82-79.
- Маданият, маънавият ва ҳатлар 56-87-78, 56-87-63.
- Безатиш — 56-87-74.
- Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик — 56-55-85.

### ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУҲБИРЛАРИМIZНИГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Бухорода — 3-50-10;
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-39-54;
- Намангонда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-63-64;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-59;
- Ургончда — 6-87-82;
- Фарғонада — 4-47-78;
- Каршида — 5-33-71.

- Мухарририятга келган кўл-эзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар-муаллифларга қайтарилмайди.

- Фойдаланилмаган ҳатларга жавоб юборилмайди.

- Таҳририят во-ситачилик қилмайди Маколалардаги Фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулнити муаллифлар зиммасидан дар.

- Газета 1991 йил 21 марта ҷаҳонда бошлаган.

- «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат кўми-тасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.



- Сотувдаги нархи 6 сўм.

- ШАНБА кунлари чиқади.

- Босишга 22 январда топширилди.

- Навбатчи масъуллар; Туриғун Назаров, Жоирид Абдуллоҳонов

### МАНЗИЛИМИЗ:

- 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24 -йд.

- Буюртма — № Г38.

- 78.000 нусхада босилди.

- Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбадалик концернини босмахонаси. Тошкент шаҳри.



Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгашининг референти Р. Жуманиёзов, Ўзбекистон халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг бош мутахассиси А. Умарова ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳуқук кафедрасининг катта ўқитувчиси Й. Турсуновлар жавоб берадилар:

**Мен 1965 йилдан бўён касаба уюшмаси аъзосиман. Агарда шу уюшмадан ўз хоҳшиш билан чиқиб кетсан менга бериладиган касаллик варақасига пул тўланадими, курорт ва санаторийлар учун йўлланмалар ажратиладими?**

**А. МИРҲАМИДОВ,**  
Тошкент вилояти.

Давлат ижтиомий суртаси бўйича нафакалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомга

биноан касаллик варақасига нафакалар бериш касаба уюшмаси аъзоси бўлиш ва бўлмасликдан

Президент Фармонига мувофиқ ўқитувчи ва тарбиячиларнинг маошлари ўтган йили 1 юндан бошлаб 1,8 баравар оширилди. Мен 1992 йили 15 июндан 9 августига қадар меҳнат таътилида эдим. Менга эскича ҳисоблаб берилган меҳнат таътили пулимга қўшимча берилиши қонунда кўзда тутилганим?

Икки ёшли қизим бор. Эски тарифда 80 сўм нафақа олардим. Ўтган йил октябрь ойидан нафақа оширилди. Менга эскича тарифда 80 сўм беришиди. Шу тўғрими?

**Раҳимшоҳ Шарифзода,**  
Жizzah вилояти, Мирзачўл районидаги  
21<sup>а</sup>-«Янгидала» давлат хўжалиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан ўқитувчи ва тарбиячиларнинг маошлари 1992 йил 1 юндан 1,8 баравар оширилгани аниқ. Шу фармон юзасидан Ўзбекистон

Ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ўтган йилнинг октябрьидан декретга кетган ўқитувчининг 8 соатлик дарсни ҳам ўқитиб келмоқдаман. Декабрь ойигача ўтган дарсларим 30 соатни ташкил этди, лекин менга 26 соат ёзилибди. Бу ҳақда илмий бўлим мудирига айтсан, у киши тўғри ёзилган дейди. Умуман мактабда бировларнинг дарсларини ўқитадиган ўқитувчиларга журналда қайд этилган соатларига ҳақ тўланмайдими?

**Ф. Иброҳимова,**  
Кашқадарё вилояти, Чирокчи шаҳри.

Мактаб маъмурияти нинг карорига кўра би-

Менинг 8 фарзандим бор. Катта ўғлим ҳарбий хизматни тугатиб қайтган. Ҳозир биз билан турмай алоҳида хўжалик бўлиб кетган. Тўрт қизим ҳам турмушга чиқиб кетган. Олтинчи фарзандим ўғил, ҳозир колхозда ишлайти. Ўтган йили ноябрь ойининг охирида 18 ёшга тўлиб ҳарбий хизматга чақирилди. Кейинги фарзандларим — 1977 ва 1980 йилларда тугилган ўғлим билан қизим ҳали мактабда ўқишади. Мен II гурӯҳ ногирониман, кўзи ожизлар жамиятининг аъзосиман. Турмуш ўртогим ҳам қарилек нафақаси олади. Шу ўғлимни ҳарбий хизматни муқобил хизматга айлантиши мумкини?

**Х. Курбонов,**  
Самарқанд вилояти, Йишихон районидаги  
А. Йўлдошев номидаги жамоа хўжалиги.

катъий назар меҳнат стажига асосан ҳисоб-китоб килиб нафака берилади.

Шунингдек, касаба уюшмаси аъзоси бўлиш-бўлмаслигига карамасдан ҳар бир ходимга навбатда турганига асосланиб касаба уюшмалари санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар беради.

Меҳнат ва Молия вазирликларнинг биргалиқда ўтган йили 30 июнда чиқарган 8/4 ва 10-сонли инструктив хатига мувофиқ янги тариф ставкалари асосида таътил пуллари қайта ҳисобланиб тўлашишга қарор қилинган.

Болангизга бериладиган нафаканинг микдори ҳакидаги саволингизга жавобан шуни айтиш мумкинки, Президент Фармонида кўрсатилишича, болаларга бериладиган нафака пуллари 1992 йил 1 октябрдан эътиборан 50 фоизга ошган. Шунинг учун Сиз кизингиз учун 1 октябрдан 80 сўм эмас 120 сўм олишингиз керак.

Ронта ўқитувчи ёки тарбиячининг ўрнига мактаб дарс жадвали бўйича ишлаган ўқитувчи ўтган дарсларини синф журналига ёзган ҳолда иш ҳакини тўла олиши керак.

Рўй берган тушунмовчиликни мактабнинг ўзида касаба уюшмаси қўмитаси ёрдамида ҳал қилингизни маъқул кўрамиз.

нунининг 3—моддасига кўра муқобил хизмат ўташ ҳуқуқига хизматга чақирилаётган шахсдан ташқари 16 ёшга тўлмаган бошқа тўрт ва ундан ортиқ болалари бўлган оиласда яшовчи чақириувчилар, шунингдек, ота-онаси ёки ака-укаси ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган шахслар эгадирлар.

Демак, ҳарбий хизматга чақирилаётган ўғлингиздан ташқари 16 ёшга тўлмаган тўрт фарзандингиз бўлса ўғлингиз муқобил хизматга жалб этилиши мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳар қадамда қийинчилкларга дуч келаяпмиз. Шулардан бирни ишчи ва хизматчиларимизни талабларига кўра зарур вақтда санаторий ва дам олиш уйларига бориш учун йўлланмалар билан таъминлай ололмаслигимиздир. Шунинг учун ҳам айрим ишчиларимиз шифо масканларида ўз ҳисобларидан нақд пул тўлаб даволаниб келишяпти. Улар келиб биздан йўлланма учун кетган суммани тўлашни талаб қилишишмоқда. Бизда эса фақат йўл харажатларининг бир томони учун кетган суммани, бориш ёки келиш учун кетган йўл харажатини 480 сўмдан ошиб кетмаслиги шарти билан тўлаш деган эски кўрсатма бор, холос. Бу миқдор кетган харажат суммаси олдиди ҳеч нарсага арзимайди-ку, ахир. Шу тўғрида бирор ўзгариш борми, бўладими?

**С. РАҲМОНОВ,**  
Қашқадарё вилояти, Дехқонобод районидаги  
«Қўкбулوك» хўжалиги касаба уюшмаси  
қўмитаси раиси.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси кенгашининг 1991 йил 21 ноябрь куни чиқарган 12—11-сонли қарорига биноан ишчи ва хизматчилар ўз ҳисобидан сотиб олган санаторий ва курорт йўлланмаси баҳосининг 480 сўмгача бўлган кисмини тўлаш вактинча ўз кучини саклаб турибди.

Президентимизнинг қарорига биноан ўқитувчилар учун электр энергиясидан фойдаланиш бепул қилинган эди. Лекин бизнинг районимиз электр тармоқлари корхонаси ходимлари биздан пул талаб қилишишмоқда. Шу тўғрими?

**А. Мисиров,**  
Х. Ўринбоев,  
Ҳ. Бобоев,  
М. Пардаев.

Жizzah вилояти, Бахмал районидаги  
4-мактаб.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги Фармонига биноан кишлоқда яшовчи ўқитувчилар электр энергиясидан бепул фойдаланишга ҳаклидирлар.

Мен 1986 йилдан бери қишлоқ мактабида лаборант бўлиб ишлайман. Қишлоқ ўқитувчиларига берилаетган имтиёзлардан яъни электр энергияси, газ ва сувдан бепул фойдалана оламани?

**Қ. Қозоқова,**  
Хоразм вилояти, Янгибозор районидаги  
17-ўрта мактаб.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига биноан ўқитувчиларга берилаетган имтиёзларга мактабда яшовчи лаборантлар ҳам эгадир.

Нафақадаги ўқитувчиман. Мабодо менга ўқув ийлиниң бошланшишида ёки ўрталарида санаторийга йўлланма берилса, менга келгуси йилги таътил ҳисобидан ёки қўшимча пулли таътил берилиши мумкини?

Санаторий йўлланмалари қийматини қанча фойзини тўлайман?

**Т. Мехрибеков,**  
Жizzah вилояти, Фориш районидаги  
28-мактаб.

Педагог ходимларга даволаниш учун санаторийга йўлланма ўкув йили давомида берилган бўлса, шу йўлланмадан фойдаланиш учун вакт келгуси йил таътили ҳисобидан берилиши мумкин.

Ўқитувчиларга иш жойидан санаторийга йўлланма берилса, касаба уюшмаси кўмитасининг қарорига кўра у бепул берилиши мумкин ёки даволнувчи йўлланма қийматининг 10—20 фойзини тўлайди.



**С**обиржон курувчининг ўғли Набижоннинг оғзи ошга текканда тиши тошга тегди. Уни ўз қўлтифи остига оладиган хеч кими йўқ, факат камтарлиги, ишчанлиги, севган қасби бўйича орттирган чукур илми билан кун сайн ўсиб келаётган ёш мутахассис эди. Янгиер шаҳар фирмаси қўмитасига иккинчи котиб қилиб сайлангандан кейин инсон ва раҳбар сифатидаги бутун қобилияти рўёбга чиқди. Бирок, унга кўз олайтирувчилар ҳам бор эди.

Ўша пайтда «Голодностстрой» бошқармаси Сирдарё вилоятининг йирик ва нуфузли ташкилоти эди. Набижон Собиров кўрдик, унинг бошликлари шаҳар партия қўмитасини менемай қўйишган. Котибининг дастлабки иши интизомни талаб қилишдан бошланди. Бу яхши самара кўрсатди-ю бошка томондан ўпирилиш юз берди. Савдо ташкилотларида кучайib кетган иллатларга карши курашда кўпинча иккинчи котиб ёлғизланиб колди. У биринчи котибининг ёрдамига суюнган эди, амалда акси бўлиб чиқди.

1987 йил декабрининг тунд ва изғиринли

факат тоға эмас, балки ака ҳам, ота ҳам, она ҳам бўлиб колган. Жиянлар тогаси «Янгиерводстрой» трестига бошқарувчи бўлганда ҳам, ундан кейин Янгиер шаҳар фирмаси қўмитасига иккинчи котиб қилиб сайлангандан ҳам қанчалик қувонишган эди. Энди ишдан бўшатилганлигини қандай айтади...

У дурустроқ амал беришларига умид бўлаб ўтиради, «Янгиерводстрой» трестига иккисодчи бўлиб борди. Бошка одам бўлганда бунга розилик бермас эди. Набижон эса қаерда бўлмасин яхши ишлаб, айни пайтда ўзига кўйилган асоссиз айдан кутилиши учун курашиши керак.

Аммо курашиш осон бўлмади. Катта лавозимдагилар уни ёмон кўришди. Айниқса, вилоят қўмитасининг ўша пайтдаги биринчи котиб А. Ф. Клепиков Собировнинг аризаларига нохолис муносабатда бўлди. Унинг учун юзта, эҳтимол мингта Собировдан битта Долгановага ўхшаганларнинг гапи устун эди.

Собиров чекинмади. Халқимизда «Эр югитнинг уялгани—ўлгани» деган нақл бор.



дан, вилоят фирмаси қўмитаси аъзолигига номзоддан ҳам ҷақириб олмокчи бўлдилар. Лекин иложи бўлмади. Халқ ҳам, ноиблар ҳам, фирмаси аъзолари ҳам бунга йўл қўймади. Набижон шунда халқ қудрати нималарга қодирлигига тан берди. Лекин 1987 йил 11 декабрда Янгиер шаҳар фирмаси қабул қилган, кейин пленум «маъқуллаган» қарорини халқ эмас, факат фирмаси аппаратидагилар ҳал қила олардилар.

Нихоят, 1991 йил 27 сентябрь куни Янгиер шаҳар фирмаси қўмитасининг бороси Набижон Собировнинг ҳақлигини тан олди. Шу борода шаҳар фирмаси қўмитасининг 1987 йил 11 декабрдаги қарори нотўғри, қасдан қабул қилинган, деган хуносага келинди. Собировнинг меҳнат дафтарчасига туширилган дод ҳам тузатилди.

Набижон анча енгил тортид-ю дилининг аллақаерида элас-элас шарпа бериб турган бир хириликдан қутула олмайди. Буни илгари бошига тушган мусибатлардан, гийбат ва тұхматлардан қолган асорат, деб тушунади. Бирок, яқинда бўлиб ўтган бир воқеа хавотирлиги бежиз эмаслигини кўрсатди. Вилоят газетасида уни фельетон қилишди. Фельетон — иллатларни тузатувчи восита, лекин бу жанрни қаламга олган шахс, бу жанрни чоп этган матбуот фактат холис бўлиши, етти ўлчаб бир кесиши, уни шарманда қилишни эмас, балки ҳатоларини дўстона кўрсатиб, қаҳрамонга ёрдам беришни мақсад қилиб кўйиши лозим. Биз эслаб ўтган фельетон эса талабларга мос келмаслигидан ташқари «эҳтимол» деган тушунчани «ҳақиқат» деб талқин қылганга ўхшайди. Бу масала тегишли ташкилотларда холис кўриб чиқилишига ишонамиз. Факат ҳалол, одамохун бошига кўп ташвишлар тушган қиши яна бир марта изтиробда қолганидан ачинасан.

Қадрингни синамоқчи бўлсанг, халқ орасига кир. Набижон ҳамон халқ ноиби, раҳбар ходим бўлгани учун ҳамиша халқ орасида, халқ билан бирга. Одамлар уни ўз давраларида қўришни, вазмин, пурмаъно гапларини эшитишни истайдилар. Ҳозир у Янгиер шаҳридаги йўл қурилиш бошқармасига бошлиқ. Бирок, бу ерга уни олиб келиш осон бўлмади. Бошқарманинг юздан ортиқ ишчиҳизматчиси Собировни ўзларига бошлиқ қилиб сайладилар, 38-механизациялашган кўчма колонна жамоаси эса «Биз ўз бошлиғимизни хеч кимга бермаймиз», деб оёқ тираб олди. Бу унча-мунча раҳбарга насиб қилмайдиган омад. Яна шуниси эътиборлики, «Янгиерводстрой» трестига бошқарувчи бўлишдан олдин, Набижон йўл қурилиш бошқармасида ҳам ишлаган эди. Бир йилга етмаган муддат ичиди у халқ қалбига кириб ултурган экан.

1990 йил апрелида вилоят кенгашига ўтказилган қўшимча сайловда ҳам Н. Собировнинг иккинчи марта ноибликка номзодини ўтказмасликка уриниб қўришди. Бир ўринда 9 нафар номзод қўйилди-ю Набижон шу номзодлар орасида энг кўп овоз олиб, вилоят кенгаши ноиби бўлиб қолди. Бу ҳам омад эмасми? Факат тасодиф эмас. Агар халқ севмаганида, бундай омад келмас эди.

Собировни мевали дарахтга ўхшатаман. Чунки, одатда мевали дарахтга тош отишади. Набижонга ҳам баъзан тош отишади. Майли, улар мева ейиш илинжида юрган болаларнинг беғубор итилиши бўлсину зинхор дарахтнинг пўстини шиладиган, шохига зин ётказадиган катталарнинг тош отиши бўлмасин.



куни. Шаҳар фирмаси қўмитасининг пленуми бошланди. Нотиклар бирин-кетин минбарга кўтарилиларди. Бирдан Собировнинг бадани музлаб кетди. Минбардаги қиши уни танқид қиласди. Майли, танқид одамни хушёр торттиради, иллатларни йўқотишга ёрдам беради, факат холис, асосли бўлса. Минбардаги одам эса иккинчи котибга тұхмат қилияпти. Бу тұхматни яна баъзилар «тасдиклашди». Қисқаси, кутилмаганда Собиров ёмон отлиққа чиқди. Уни мансабни сунистеммол қилишда айлашиб, ишдан бўшатилар.

Хаётда амални унчалик хушламайдиган қиши кам учрайди. Набижон Собиров шу тоифадаги одамлардан. Унга котиблик эмас, кичик бир ишхонада кичик бир лавозим ҳам бўлаверади. Бирок, кўпчилик олдида қаттиқ мулзам бўлиш, яна тұхмат тоши остида эзилиш ортиқчалик қилди. Ўйига томон борар экан, бўлиб ўтган воқеани умр йўлдошига, қариндош-уругларига, айникса, жиянларига қандай қилиб тушунтиришни ўйлар эди.

Ха, Набижоннинг жиянларини бежиз эсга олмадим. Умуман, Собировнинг чекига юғир кисмат тушган. Отёси Собиржон Улуғ Ватан урушида орттирган хасталиги кучайиши оқибатида 1982 йили вафот этди. Ундан бир йил олдин онаси ҳаётдан кўз юмган эди.

Баъзан одам бошига кетма-кет мусибат тушаверади. Набижоннинг бир опаси, бир укаси бор эди. 1972 йилда опаси Кимёхон тўрт нафар гўдагини чиркиратиб кетди. Унинг ўлими, айникса касалманд онаси Хожарой опага оғир мусибат бўлди. Набижон етим қолган жиянларини кўриб, худди онасидай эзилар эди. Айникса, кичиклари онасини йўклаб бўзлашганида тоганинг кўзига дунё қоронги бўлиб кетарди. Ота-она вафтидан кейин тўрттала болани ҳам ўз тарбиясига олган. Мана ҳозир боягина пленумда бўлиб ўтган гаплар, тұхматлар дардини тортиб борар экан, ҳаммадан кўпроқ шу жиянларини ўйлаипти. Ахир Набижон уларга

Набижон орият учун курашди, Нихоят, Абдухолик Айдарқулов вилоят фирмаси қўмитасига биринчи котиб қилишдан кейин унинг аризаларини жиддийроқ кўриб чиқишга йўл очилди.

«Голодностстрой»нинг иккита механизациялашган кўчма колоннаси қолокликдан чиқолмай қолди. Одамлар ишдан кета бошлидилар. Техника эскирган, меҳнатинг рағбатлантирилмагандан кейин ишдан кўнглиңг совийди. Ана шу ҳолат колонналарни кундан-кунга «эзиб» балчиққа тикиб борар эди. Раҳбарлар иккала корхонани қўшиб, унга Набижон Собировни бошлиқ қилиб юборишиди.

Собиров авлиё эмас. Кўзбойлоғич ҳам эмас. Унинг битта сифати бор — ҳар бир кишига ўз одамидай муомила қилиш, ҳар бирiga ғамхўрлик кўрсатиш. Биринчи кундан-кун оқибатида қоламларнинг ишшароитини яхшилашга қиришди. Нуқсонлар юз берган жойда бақир-чақир билаи дуч келганни пишириб-ковурмади, балки бу нуқсон сабабларини аниқлаб уни тузатишга ёрдам берди. Шу сабабли бир-икки ой ичиде 38-механизациялашган кўчма колонна ишчи-хизматчилири уни ёқтириб қолишиди. Иш эса кун сайн яхшиланиб, одамлар кўпроқ ҳак ва мукофот оладиган бўлиб боравердилар.

Аммо Набижоннинг алами ҳамон ичиди. Ҳўш, деб мулоҳаза қиласди у,— баъзин одамларга ўхшаб фактат ўзимни ўйламасам, ўзгалар манфаати учун курашишни виждан амри деб билсан, эзгулик ва адолат йўйидан борсаму яна мен ёмону анавиларнинг мушугини хеч ким пишт демайди. Майли, ўша пленумда менга нисбатан қасддан хужум үюштиришди, улар мақсадларига ҳам етишиди, дейлик. Бирок, мен хеч кимдан амал ёки обрў тилаётганим йўқ, фактат тұхмат қилинганини тан олишларини сўраяпман, холос. Наҳотки, ўз ҳак-хукукимни қайтариб бериш улар учун шунчалик қийин бўлса!

Набижонни вилоят кенгашининг ноиблиги-



Саволларга Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳукуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси Йўлдош Турсунов ва «Ишонч»нинг бўлим мудири Тожибой Алимовлар жавоб берадилар.

**Кейинги пайтларда нафақаларни тарқатувчи кичик корхоналар ходимларининг иши биз поча ходимларининг иззат нафсизига тегди, руҳимиз ва қадримизни тушириб юборди. Алоқа бўлимизига қарашли участкада беш киши ишлаётган бўлса, ундан икки киши район ижтимоий таъминот бўлими ходими. Бу ҳол нафақалар тарқатиш ишини чигалластириш билан бирга алоқачиларнинг ижтимоий жиҳатдан ўнгланишиларига йўл бермаяпти. Чунки битта нонни биз — икки соҳанинг одамлари бўлиб япмиз. Маошимиз 2077 сўм қилиб белгиланди. Бу билан кун кўриб бўладими? Ё бошқа соҳадан иш қидирайликми?**

А. Қозоқов,  
А. Бойматов,  
Л. Ражаббоев,  
Наманган райони, Хонобод алоқа бўлими ходимлари.

Сизларни ташвишга соглан муаммо оқилона ҳал этилди. Наманган вилояти ҳокими Б. Рапикалиевнинг 1992 йил 23 деқабрдаги қарорига биноан нафақа тарқатувчи кичик корхоналар тутатилди. Қарорда айтилишича, ви-

лоядта поча хизматини давр талаби даражасига кўтариш, аҳолига ва ҳалк хўжалиги корхоналарига поча-жўнатмаларини, нафақа ва купонларни ўз вактида етказиб беришни таъминлаш, поча корхонаси ва ходимларининг

молиявий аҳволини тубдан яхшилаш юзасидан тадбир ишлаб чишиб амалга ошириш вилоят давлат поча корхонаси (бошлиғи М. Жакбаров)га топширилди.

Вилоят районлари ҳоқимларининг нафақаларни тарқатувчи кичик корхоналар ташкил этиш тўғрисидаги ўтган йил давомида қабул қилган қарорларининг ҳаммаси бекор қилинди.

Барча районларнинг ҳоқимларига, вилоят ҳоқимнинг ижтимоий таъминот бошқармаси (бошлиғи М. Абдуллаев)га нафақаларни тарқатувчи кичик корхоналарни 1993 йилнинг 1 январидан кечиктирмай тугатиш ҳамда бу хизматни район поча корхоналарига бериш вазифаси юклатилди.

бажарган ишининг натижасига кўра ҳеч қандай чекланишларсиз иш ҳаки тўланиши, вақтбай ишловчи ходимларга эса контракт (мехнат битими) тузиш асосида ёки корхона касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда юқори ойлик мансаб маоши тайинланиши мумкин. Ҳужалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ойлик мансаб маошини ўzlарининг оладиган даромадларига мувофиқ равишда истаган микдорда белгилашга ҳақлидирлар.

Қўшимча иш ҳаки бир неча касб (лавозим)да ишлаганилик учун ана шу вазифани бажаришга киришилган пайтдан бошлаб тўланади.

бўлиб қолган фуқаролар ушбу идоралар томонидан конунда белгиланган муддат давомида ва белгиланган микдорда ишсизлик нафақаси билан таъмин этиладилар ҳамда ана шу муддатда уларнинг меҳнат стажлари сақланиб турди.

Бундан ташқари, агар 8 ёшга етмаган ёш болалар бўлса, шу болалар тарбияси билан шўғулланган пайт ҳам умумий меҳнат стажига киради. Бунинг учун Сизни охирги ишлаш жойингиздан 8 ёшгача болангиз борлиги туфайли ўз ихтиёргиз билин ишдан бўшатилганлигиниз мөхнат дафтарчангизда қайд этилган бўлиши лозим. Вактинча ишдан маҳрум

Мен 25 йил, 6 ой, 17 кун ички ишлар бўлимларида аввал милиционер, кейинчалик жиноят қидирив бўлимида инспектор, 1988 йил 15 майгача участка инспектори вазифасида хизмат қилиб келдим. Унвоним капитан. Хизмат давомида бир неча бор давлат мукофотларини олганман. Бенуқсон хизматим учун 3 та медаль олганман. 1988 йили хизмат вазифамни адо этиб турган пайтимда инфаркт бўлиб 4 ой даволандим. Охири мени ишга яроқсиз деб топшиди. 1988 йил 15 майдан бошлаб II гуруҳ ногирониман. Қарамогимда б нафар вояга етмаган фарзандим бор. Ҳозир ойига 3871 сўм 31 тийин нафақа оламан. Фарзандларимга қўшимча нафақа берилмаяпти.

Ховос райони ижтимоий таъминот бўлими мудири сизга нафақани ички ишлар бошқармаси тайинлаган, ҳар бир болангизга 1000 сўмдан устами тайинланиши керак, деди. Юқоридаги ларга асосоланиб сўрайман.

1. Менга берилётган 3871 сўм 31 тийин тўғрими?

2. 6 боламга қанча қўшимча нафақа тайинланиши керак?

3. Биз милиция ходимлари ҳарбийларга тенглаштириламишми ёки йўқми?

Х. Тожиев,  
Сирдарё вилояти, Ховос районидаги  
Бобур (Мичурин)номидаги ижара хўжалиги.

Ички ишлар органлари бошликлари ва оддий хизматчилар таркибида киравчи ходимларининг нафақа таъминоти масалалари ҳозирча Ўзбекистон Республикасининг ана шу масалада ўз конунлари қабул килингунга қадар собиқ СССРнинг 1990 йил 28 апрелдаги «Ҳарбий хизматчиларнинг нафақа таъминоти тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солиб турилади.

Ушбу Қонуннинг 23-моддаси «б» бўндига кўра ички ишлар органларининг I-II гуруҳ ногиронларига улар олаётган иш ҳакининг 55 фоизи микдорида нафақа тайинланиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 25 августидаги фармонига кўра нафақалар қайта ҳисоблаб чиқилди ва бунда нафақа микдори нархнавонинг ошиши, пулни қадрсизланиши жараёнига мос равишда оширилди. Ушбу фармонга кўра сизга нафақа тайинлаш учун асос қилиб олинган ойлик маошингиз 14,4 баробарга қўпайтирилади ва шунга мувофиқ нафақа микдори қайта ҳисоблаб чиқилади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг фармонига кўра 1993 йил 1 январдан бошлаб нафақалар микдори яна 25 фоизга оширилди. Нафақанинг аниқ суммаси нафақа ҳисоблаш марказлари томонидан амалга оширилади.

«Ҳарбий хизматчиларнинг нафақа таъминоти тўғрисида»ги юқоридаги Қонунда вояга етмаган болалари бўлган ногиронлар нафақасига устами тўлаш кўзда тутилмаган.

Собиқ СССР Олий Кенгашин томонидан 1990 йил 15 майда қабул қилинган «СССР гражданларининг нафақа таъминоти тўғрисида»ги Қонунга кўра ишламайтган II гуруҳ ногиронлари қарамогида бўлган ҳар бир вояга етмаган бола учун ижтимоий нафақа микдорига устами қўшиб берилishi кераклиги кўрсатилади. Яъни сиз ички ишлар органи ходими сифатида эмас, балки оддий фуқаро сифатида ижтимоий таъминоти органлари орқали умумий асосларда нафақа олеангизгина ана шундай ҳукуқка эга бўласиз ва устами сиз барча зарур ҳужжатларни тақдим этган ҳолда мурожаат қилган пайтингиздан бошлаб тўланиши мумкин.

Сахифани мухбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлади.

Штати қисқартирилган ишчи ва хизматчиларнинг иши бошқа бир ишчига юклатилса:

— қўшимча иш ҳаки тўланадими ва унинг ҳажми қанча бўлиши керак?  
— агарда тўланса, қачондан бошлаб—ишни бажариб келган кунданми ёки бошқа бир муҳлати борми?  
— қўшимча тўлашни ва унинг миқдорини ким белгилаши керак, ташкилот раҳбарими ёки бош ҳисобчими?

Р. А. Айсина,

Навоий сув иншоотлари қурилиши бошқармасига қарашли 1-сон автокорхона кадрлар муҳандиси.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни корхоналарда иш жойларини атестациядан ўтказиш ва рационализациялаш, яъни ихчамлаштириш, камрок сарф-харажат қилган ҳолда кўпроқ иқтисодий са-марага эришишни тақозо

этмоқда. Ана шундай тадбирлар ўтказилиши оқибатида олдин бир неча ходим бажариб келган мөхнат бурчларини бир ходим зиммасига юкланиши табиий ҳол. Ана шундай пайтда ишбай ишловчи ишчи ва хизматчиларга

Турмуш ўртогум ҳуқуқни ҳимоя қилиши органида ишлайди. Бу соҳа эгаси бир жойда узоги билан 5 йил муддатга ишлаши, районма-район кўчиб юриши оила учун, болалар учун оғир эканлигини билсангиз керак.

Охирги кўчишимда менинг соҳам бўйича иш то-пилмай 1991 йил сентябрь ойидан бери ишсиз уйда ўтирибман. Натижада меҳнат стажимда узилиш пайдо бўлди, бундай узилишилик бўлмаслиги учун мен нима қилишим керак эди?

Э. Жалирова,  
Наманган шаҳри.


Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунiga кўра иш билан таъминлаш вазифаси сиз яшаб турган район аҳолини иш билан таъминлаш хизмати идоралари зимма-

сига юклатилган. Улар сизга иш топишда кўмаклашишлари, башарти у ерда сизнинг касбингизга мос келувчи иш топилмаса, у ҳолда сизни бепул янги касбга ўргатишни ташкил этишлари лозим. Вактинча ишдан маҳрум

**ОНА ЮРТИМИЗ** Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинганига ҳам мана бир иш тўлиб, иккинчи ишлга қадам қўйилди. Демак ҳур, фаровон яшашимиз, ўз қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириши имкони тўла пайдо бўлди. Биздан ҳалол ва унумли меҳнат қилиши қолди. Бу иўлда ҳали етарлича тўсиқлар бор. Лоқайд одамлар бор. Энг аввало меҳнатга нисбатан муносабатимизни ўзгартириб олишимиз, ҳаётимиздаги майда-чуда бўлса ҳам камчиликларга зарба бериб олға силжишимиз зарур.

Бу саҳифадаги ҳикоялар, қатралар, лаҳзалар ана шу мақсадга хизмат қиласа зора.

МУАЛЛИФ.



### КЕЧИКМАНГ

**АЪЗАМХОН** дўстимнинг уйидан бир жуфт кўшик, мусиқа эшитмай қайтмасдик. Унинг ширали овози-ю дуторининг майн жарангни бизни ўзига мафтун киларди, қайфиятимизни кўтарарди.

Куни кечга борганимизда барчага кувонч, шодлик бахшида этаётган дуторининг иплари узилиб кетди. Мусиқа тўхтади. Бир сонияда содир бўлган бу ҳолат хонадаги йигирмага якин кишининг қайфиятини ўзгартириди кўйди. Шу воқеани кўргани заҳоти инсон ҳаётига қиёс қилдим...

Юрагинг ураяптими, яхшилик қил, одамларга кувонч, шодлик бахшида эт. Акс ҳолда кечикиш мумкин.



### ВАФОДОР

**ҚУШНИМИЗ** Эргаш аканинг тўрткўз исмли кучуги бўларди. Қариб колган бўлса ҳам эринмай уй соҳибига эргашиб юрар, қаерга борса бирга ҳаммадан кейинда борарди. Ҳеч кимга халақит қилмай эгасини кутиб ётарди.

Эргаш аканинг отаси Карим бува қазо қилдилар. Ит жаназа куни бир чеккага бориб, бағрни ерга бериб ётди. Овозини ҳам чиқармади. Қабристонга ҳаммадан кейинда борди. Ҳеч кимга халақит бермай маросим тугашини кутди. Бувани қабрга кўйиб, орқага қайтилаётганда қабр ёнига келиб бир марта «вов» деди. Ҳамма орқасига ўгирилиб итга қарди. Унинг кўзларидан ёш окарди.



### ҚАЛДИРГОЧЛАР

**ДАЛА** ҳовлидаги уйимиз айвонига қалдирғочлар уя қурди, бола ҳам очди. Уларнинг чуғур-чуғури менга ёқмас, баъзида аччигимни ҳам чиқараради. Ойим уйда йўқларида ҳатто ҳайдаб юбормоқчи ҳам бўлдим, уларни. Аммо бир куни...

Наҳор пайти қалдирғочларнинг чуғур-чуғури авжга минди. Аввал ҳеч бундай бўлмаган. Ойим иккаламиз айвонда ухлаётгандик. Уйгониб кетдик. Ойим ўринларидан туриб, кўлларини силкитиб, уларни ҳайдай бошладилар. Улар эса учиг

кетишмасди, фақат бир жойдан иккинчи жойга учиг кўнишар ва яна чуғурлашишарди. Шу пайт биттаси ҳовлидан тўппа-тўғри хонага учиг кириб, чуғур-чуғур қила бошлади.

— Опчангни уйғотиб юбормасин, туни билан бола ғингшиб чиқди, ҳайдаб юборай деб, ойим шу топда уйга кирдилар. Опчам, опамни шундай деб чақираман, шу кеча шаҳардан чиқиб бизнисида тунаб қолуди. Бир дақиқа ҳам ўтмай ойимнинг «Вой ўлай, энди нима қиласмиш, каламуш» деб чинқирган овозлари эштилди. Ўрнимдан сапчиб турдим уй ичига чопдим. Қайси кўз билан кўрайки, иккита катта-кatta каламуш девор ковагига кириб кетди. Жиянчамнинг бир кулоги эса кемирилган, у ердан кон силқиб чиқарди. Бола йигламай жим ётибди... Биз тезлини билан болани кўтариб, шаҳарга касалхонага шошдик. Каламуш кемирибди, дейишид дўхтирилар ҳам. Бахтимизга жиянм омон қолди. Тўғри, опчам иккаласи бир неча ой касалхонада, ётиб, кейин тузалиб чиқишиди. Боланинг бир кулоги кемтик эди.

Ўша-ўша қалдирғочларга ҳурматим ошди. Келаси иштаси учиг келишганда билмадим ўшаларми ёки бошқаси, меҳр билан уларни қарши олдим. Жиянимни кўрдим дегунча қалдирғочлар кўз олдимга келади. Уларнинг нақадар чиройли эканини энди сеза бошладим. Шундай қушлар билан дўст, бўлишга нима етсин. Энди улар менинг чинакам дўстларим, ўйимиzinнинг тўри сизга, учиг келаверинглар, чуғур-чуғур қилаверинглар дейман, уларга.



### АРТЕЛ ФАРЗАНДИ

**УРУШ** вақти экан. Онам мени туғибидилару ўзлари оғир хасталикка учраб ётиб қолибдилар. Кўкракларидан сут ҳам қочибди. Бувим бечорадан бўлак уйда ҳеч ким йўқ. Отам урушга кетган. Мен онамнинг ягона фарзанди эканман. Қўни-қўшиларимизда чақалоги бор аёллар йўклиги учун бувим мени кўтариб қўши маҳалладаги артелга чиқибдилар.

— Айланай сизлардан, худо яллақасин, шу гўдакни бир марта эмизиб беринглар. Онаси оғир бетоб, устига-устак сутдан ҳам қолган.

Улар индамай рози бўлишибди.

Бувим ҳар куни артелга уч мартадан чиқаверганидан эмизикли хотинлар энди ўзлари «Буви, беринг, Азamatни эмизиш навбати менда», дейдиган бўлишибди. Ўз фарзандлари рискини яримта қилсалар-да шу ишга қалб амри билан тутишишибди.

Бувим раҳматликнинг гапларига қараганда, мени эмизган аёллар озгин, ҳорғин бўлишган. Лекин барибир, оналик меҳри барчасидан устун бўлиб, мени ўлмай қолишимга сабабчи бўлишган экан. Улар — менинг оналарим — нечта. Бувим айттолмадилар. Лёкин артелдаги 1942 йилда чақалоги бор барча-барча ёш жувонлар менга оналик қилишганини айтган эдилар.

Шу артел бўлган жой яқинидан қачон ўтмай юрагимда аллақандай илиқлик пайдо бўлади. Шаҳримиздаги етмиш ёшлар атрофидаги аёлларни кўрсам, уларга меҳрим тобланади. Шу аёл ҳам менга оқ сут берган бўлса ажабмас, дейман ўзимга ўзим.

— Онажонларим, берган оқ сутингиз учун қуллуқ сизга! Ўша оқ сутни поклагим, оқлагим учун онам деб айтаяпман, сизъарни. Барингизонам, гарчи тенгдошларим менга оға-ини, опа-сингил. Барчангизни кучгим келади.

### ҲИКОЯЛАР, ҚАТР



#### О МУҲАББАТ, ШУ КЎЧАДАН ЯНА БИР МАРОТАБА ЎТ!

ҚЎЗЛАРИ шаҳло, қошлари бамисли уч кунлик ой, ёноклари пишган қизил анор, бўйи-басти келишган, юршлари бирар ўзига ярашган гўзлар бир қиз қалбимга чўф ташлаб ёнимдан ўтиб кетди.

Ундан таралган муаттар ҳид димоғимда қолди, кўзим тиниб, бошим айланиб ўтириб қолдим. У ташлаган чўф ўз ишини қиларди. Юрагим кинидан чиққудек урятди. Мен масти бўлиб қолдим.

Ҳа, ҳа, Сиз тўғри топдингиз, ўша соҳибжамол қизни кўрдим унга ошики бекарор бўлиб қолдим. Муҳаббат мени масти этганди.

О муҳаббат, шунчалар сеҳрли, кудратли вабуюклигингга ишонмай юрардим. Сен эса бир лаҳзода мени ўзгартирдинг кўйдинг. Бир ой бўлдики, усти-бошимга-ю соч-соқолимга, оёқ кийимларимутиш-тирногимга ўтибор берадиган, оғир ишдан ҳам чўчимайдиган, ҳеч нарсадан эринмайдиган, атрофдагиларга нисбатан меҳр-оқибатли ва кам гап бўлиб қолдим.

Қалбимни аср этган эй фариштам, қанисан, ҳар тонг ва оқшом кўзим йўлингда. Илтимос сендан, эй муҳаббат, шу кўчадан ҳеч бўлмаса яна бир маротаба ўт!



#### ШУНАҚА ОДАМ ҲАМ БЎЛАРКАН-А!

МЕН мактабда ўқиётганимда туғилган, лекин кейин бирга ишлашган Чори исмли укамни куни кечга юқори бир лавозимга тайинлашди. Муносабатимиз илик бўлгани сабабли вақт топиб, уни табриклагани ишхонасига бордим.

Ҳол-аҳвол сўрашга улгурмадим. Утиришга таклиф ҳам қилмай, «Оббо Каримвой-е, келибсанда-а, хизмат» деди. Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Зўрга мақсадимни айтдим. «Шундайми, ўзингдан қолар гап йўқ, илтимос билан келувчилар кўп» — деди ва қизил телефонни тўрт марта териб, ким биландир уланди. Менга «ҳозир» дедида, айланадиган креслода менга орқа ўгириб олиб сухбатлаша кетди. Қанча дақиқа кутдим билмадиму, аммо бошка сабрим чидамай хайрни наси қилиб хонасидан чиқиб кетдим.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Кутилмаганда бахтим чопиб мени ҳам бир катта лавозимга таклиф килишди. Қўндим. Ҳашанда кўплар қатори Чори ҳам табриклагани келди. Мен уни муборакбод этгани борганимга ўн йиллар вақт ўтган бўлса-да ва шу даврда бир-бири миздан хабар олмаган, бирон марта кўришмаган бўлишишимизга қарамай ака, дер ва сизлаб гапиради. Унинг менга қилаётган мулозаматига ҳам ҳайрон, ҳам қойилдидим.

Тавба, дейман у кетгач. Шунақа одамлар ҳам бўларкан-а?



#### ЎЗГАРМАЙДИГАН

— ХАФА бўлмангу Салимжон, ҳаётдаги тутган ўзингизга ҳеч тушунолмайман. Бир гапни юзингизга айтаман, майлими?

— Бемалол, рост гапдан нега хафа бўлайин, айтаверинг, Каримжон.

— Сиз қариб ярим асрдан бери ёзиб-чизасиз. Кўпларга ҳақиқат эшигини очиб бергансиз. Муштумзўр, бироқрат, ҳаромтомоқ одамларга қарши адолат қиличини яланочлаб келяпсиз. Шундайми?

— Шундай, нима эди?

— Хўш, нимага эришдингиз? Ҳатто юбилейнингизда сизни нима билан рағбатлантиришиди? Ҳеч нима билан. Нега? Чунки бошлиқларингизга тош отгансиз, ўртоқларингизни танқид қилгансиз, фельютонлар ёзгансиз. Уларнинг югардакларини тинч қўймагансиз. Мана оқибат. Мукофоту ёрликларни расмийлаштирувчилар шу — югардаклар эканлигини наҳот тушунмасангиз?

— Мен мукофот ёки ёрлик учун ишлаган эмасман. Ёзганларим учун маош, қаламҳаки олганман.

— Қойил-е, мен нима ҳақда-ю сиз нималар деяпсиз ҳадеб? Маслаҳатим шу: бировга тош отманг биринчидан, иккинчидан мақтанг. Бунинг учун Сизни ҳеч ким ҳеч қачон сўмайди.

Сизни бор қилувчи ҳам, йўқ қилувчи ҳам ўшалар, азизим. Шу қоидаларни мустаҳкам эгалласангиз, ошиғингиз доим олчи. Агар ўзгармасангиз, унда...

— Ҳолингиз вой, денг? Наилож, адолат йўлида ҳаммасига розиман. Ўзбекистонимиз мустақил бўлган даврда адолат йиғлаб, дод деб юрмасин. Адолат паранжи ёпинмасин, биродар. Энди покланиш даври бошланди. Аксинча, Каримжон, Сизга ўхшаган такасалтанд, лаганбардор ва лоқайд қишилар замони тугади. Эшикка чиқинг, халк ичига киринг.

Биз адолатчилар сепган буғдойнинг бир донаси ерга тушган бўлса бас — ҳосилдан умид бор. Ана шунақа, дўстим!

— Шунча сиз билан бирга юриб таъсир этолмаганимга ҳайронман.

— Мен ҳам, Каримжон. Сизга ҳеч таъсири миңгизга олмаганимга ҳайронман.



### УРУШНИНГ АСОРАТИ

— ОНАЖОН, нега бир ўзингиз хомуш ўтишибисиз, тинчликми?

— Тинчлик, болам. Ҳудога шукур, умрим узок экан. 75 га кирдим. Ҳали соғ-саломатман. Сен ёлғизим кўпайдинг. Неваралар, чеваралар сероб. Лекин оғат келтирган урушнинг асорати ҳали ҳам борлигини айтмайсанми. Отанг урушга кетганига қарийиб олтмиш йил бўлай деб қолди. Ҳалигача на тириклиги на ўлганидан хабар бор. Шуларни эслаб... Ҳомушдирман.

Мен онамини овутмадим.

— Биласанми, болам,— давом қилдилар онам,— қўзим очиқлигига отанг тириклигини билсам. Еки... бандаликни бажо келтирган бўлсалар — рӯҳларига куръон туширсан. Аза очиб, мусурмончиликни бажо қилсан, девдим.

Онам бошқа гапирмадилар, қўзлари намланган, гапирмадилар.

Мен деб юборишидан ўзимни аранг тийиб, хонадан чикиб кетдим.



### АЙГАНИНГИЗ КЕЛСИН

— МИНГ қатла шукур, отамнинг орзулари ушалди. Фарзандлик бурчимни адо этдим. Менга ҳам шундай кунлар насиб этсин.

— Кечиринг, тақсир! Ҳар сафар тиловат қилиб бўлингач, Сиз, шу сўзларни қайтарайпсиз. Бунинг боиси борми?


— Эҳ, дўстим, бугун барча бизникига мотам деб келяпти. Ҳа, бундай қараганда — мотам, бузрукворим оламдан ўтилар. Лекин мен бу кунни тўй деб ҳисоблагим, ҳар бир ҳалол, виждонли одамга шундай ҳаёт ато этгин, деб, дуо қилгим келади. Чунки отам «Бирорнинг ҳақига хиёнат қилма, худодан бер, бер деяверма. Ўзингга етарлисингина сўра. Ҳалол меҳнат қил», деб тарбия берганлар. Ўзларига уч нарсани: бандаликни куз ойида бажо келтириши, онам қўлида беозор кўз юмишини ва қабристонга йигисиз бориб, қабрга қўйишими эгамдан сўрардилар.

— Демак, отангиз илтижолари амалга ошибди-да?

— Ҳа, отам 96 ёшда, куз ойининг ўртасида, меҳржон байрамига тайёрланадиган кезларда онам қўлида бандаликни бажо келтирдилар. Учинчи ниятлари ҳам интижо бўлди: Мен ва невара-чеваралар васиятларига амал қилиб, қўмиш маросимини йигисиз ўтказдик. Қабрга отамни мен қўйдим.

— Баракалла. Айтганингиз тўғри. Бу мотам маросими эмас, орзу, ният қиладиган маросим. Маъракага келгандарнинг барчаси отахондек ҳаёт кечириши ният қилгандарича бор экан. Сизга ва менга ҳам илоҳим отангиз кунини берсин.

— Айтганингиз келсин, омин!



### ХИРА ЮЛДУЗ УЧДИ

«Яхши одам эди» ибораси бандаликни бажо келтирган ва унга жаназа ўқилган ҳар бир кимсага нисбатан айтилади. Абдукаримхонга бу сўзлар буюрдими, йўқми менга қоронги. Лекин...

Ота-онаси уни 30 ёшида бир амаллаб уйлаб қўйишиди. Шундан кейин ҳам ошик тегиб, наша чекиб, «оласув»дан ичиб олиб уларни қийнади. Уч йил яшаб-яшамай хотини ўлиб кетди. Бир қиз етим бўлиб бувисиникида қолди. Иккинчи, учинчи марта турмуш қурған хотинлар ўзарзандалари билан унга тегишиди. Бир йил, бир ярим йилдан яшаб-яшамай улар кетиб қолишиди. Шу даврда Абдукаримхон ота-онасидан ажраб бўлган, ҳеч кимсиз ўйда якка-ёлғиз қолганди.

Маҳалла-кўй раҳм қилиб, ота-онаси руҳи ҳурмати уни бир аёлга уйлаб қўйишиди. Аммо бу сафар ҳам у инсофга кирмади, маҳаллага қўшилмади, ичишни ташламади. Бу аёлдан бола бўлмади. У 40 га кирмай қариби, 41 ёшида қазоқиди.

Ўша куни чойхонада гап бўлди: Мана ниҳоят хира юлдуз ҳам учди, деди бир қария. Эссиз умр, деди иккинчи қария. Ишқилиб ёруғ юлдуз учмасин, деда дуога кўл очишиди қолган қариялар.



### ОДАМ ОДАМГА КЕРАК!

— ОББО, сиз-эй! ЖЭКнинг бошлиғи ҳар бир квартирага кириб юра олмайди. Бу қанақаси бўлди, беш йилдан бери квартира ҳақини тўламас экансиз-ку. Сизда инсоф, диёнат деган нарсадан борми ўзи, ўртоқ!

— Ўртоқ деманг мени. Ўртоқ ўртоғини ҳақорат қилмайди. Одам одамга керак биродар. Дўй урмай гаплашинг.

— Хўп, нима дей, қарзингиз бир ярим мингдан ошиб кетибдику! Үялмайсизми? Қаерда ишлайсиз ўзи?

— Нега үялай. Сиз үялинг, 5 йилдан бери томидан чакка ўтади, деявериб чарчадим. Сизлар бўлсангиз бепарво. Яна уятмасми, дейсиз. Қаерда ишлардим, гастрономда ишлайман. Биз сизларда инсофсиз эмасмиз.

— Жа тутоқманг, ўзимиздан экансизу, ошна. Айтинг-чи биродар, сизларда арақ сотиладими?

— Сотилмаса ҳам дўстлар илтимос қилса бас, жонимиздан бўлак ҳамма нарсани топиб бераверамиз.

— Балли, ҳақиқий танти экансиз. Уч-тўрт яшик керак, холос. Кичкина тўй қилмоқчийдик.

— Яхши одамларга...

— Раҳмат. Биз ҳам ишингизни шу ойдаёқ бепул боллаб ташлаймиз. Ўзим контролга оламан!

— Биз ҳам сиздан арақ учун шапка олмаймиз унда, биродар.

— Ана кўрдингизми, ўзингиз айтгандек, одам одамга керак!

## «ҲАЙРОНМАН»?

### ТУРКУМИДАН

— Салимжон, сиз шаҳар автобуси ёки трамвайига тушганмисиз?

— Бўлмаса-чи, нимайди, Каримжон.

— Чипта бермай, пулни чап ҳамёнига ураётган нолок кимсаларни кўрмаётган текширувчиларнинг кўзи ростакам кўзми ёки шиша кўзми. Шуни билолмай ҳайронман-да.

— Каримжон, телефоним дeng ҳар ойда учтурт кун «миқ этмай» қолади.

— Менинг телефоним ҳам тез-тез ишламай турди. Нимайди, Салимжон!

— Ишламаса ҳам пулини олишаверади. Ғинг десанг биратула узаман деб пўписа қилади. Шу дагдаға қилувчи одамми ёки автоматми, билолмай ҳайронман-да.

— Ўша қаттиқ кўл, кучли ҳамда доим сергак бир... бор эди. Ўзинг номини ейтаса — аниқ биламан тили куяди, айтмаса дили. Уни ўлди деб эшишиб барча қувонганди. Ҳайрият энди тўйиб-тўйиб нафас оламиз деб ўйлашганди.

Ёмон осонликча жон бермайди, дейишиша ишонмасдим. Энди ишонаман. Ўша учта нуқта ўлмаган экан. Писиб ётган экан.

— Хўп, нима бўлиби, осмон узилиб ерга тушдими, Каримжон, бунча куйинасан. Тирилса тирилибди-да.

— Эҳтимол гапинг тўғридир, Салимжон. Аммо хонага қора парда тутиб ташқарида кундуз бўлса ҳам ҳаммага тун деб ўз фикрини маъқуллайдиган шу учта нуқта газит ўқирмикан ёки ўқимасмикан, шунга ҳайронман-да.

— Ҳайронман деяпсанми?

— Ҳа-да. Ўзинг ўйла, 10-дом ёмон. Ёнидагиси эса яхши исиди. Ҳатто кишида ҳам 12-домдагилар деразаларини очиб ётишади.

— Нима бўлти?

— Ҳеч нима, фақат 10-домдагилар исимаса ҳам фик демай 12-домдагилар тўлаганча тўлов тўлаётгандарига ҳайронман-да.

— Салимжон дўстим, қаранг, қаерда сайр киляпсиз. Ҳамма ёққа сув сепилган, чиннидек қилиб супирилган. Анҳордаги сувнинг тўлиб оқаётганини, дарахтларнинг, айниқса мажнун толнинг гўзалигини айтмайсизми, жаннат-а, жаннат.

— Жаннат бўлса жаннатdir, Каримжон, лекин нега ҳайронсиз?

— Ия, қизиқ экансиз. Қани йигитлар жаннатда юриб, бу мазза учун солик тўламабсиз-ку, дейишаётгандарига ҳайронман-да.

— Салимжон, опа ўзидами?

— Ўзида. Лекин ҳозир ёнига кирмаганингиз маъқул. Қовоқларидан қор ёғилиб, ёмон кайфиятда ўтирибди.

— Ана холос. Бугун ҳам ишимиш битмас экандар. Ҳайронман, ўйламасмикан?

— Нималар деяпсиз, Каримжон. Ким, нимани ўйлаши керак?

— Поччамизни айтаяпманда. Ахир опанинг раҳбарлигини билади-ку, уйдан хурсанд килиб юборса ишимиизда ҳам барака, ҳам ходим шўрликларга анчә енгил бўларди. Шу ҳақиқатни эржонлари тушунмаганига ҳайронман.

— Эрларининг хўжайини аёлмасдирда...

— Йўл бўлсин?

— Аканинг олдига кирмоқчийдим.

— Кеч қолдингиз. Тушгача улар бандлар.

— Нималар деяпсиз, Каримжон. Ким, нимани ўйлаши керак?

— Жаннатмандан ўтиб ҳоли килиб юборса ишимиизда ҳам барака, ҳам ходим шўрликларга анчә енгил бўларди. Шу ҳақиқатни эржонлари тушунмаганига ҳайронман.

— Ҳайронман Сизга билмас экансиз-да. Ҳамма гапни айтиб бўлгунча, акамиз уни мазза қилиб эшигунча туш бўлади, ахир. Вактингизни бекор ўтказмант, демоқчиман-да.

— Ҳа, энди тушундим. Майли тушдан кейин бўлса туш



## «ОНА УЛУФ, ОНА МУҚАДДАС»

АЕЛ... Ким у? Гўзал маликами ё меҳрибон она? Садоқатли ёрми ё бешафқат дўст? Асрлар оша инсон умр йўлдошининг сиймосига тикилар экан ушбу саволлардан қочиб қутула оладими? У баъзида аёл номини кўкларга кўтарар, баъзида эса маломат ва ҳақорат тошлари ёғдиради. Шуниси қизики, асрлар оша мадҳ этилган аёл неча минглаб сатрлар багишланган, гўзал қасидалар битилган она номи ҳозирги кунда ҳам эркакларнинг, ўсмирларнинг, ўзбек халқи маданиятининг асосий ўзаги бўлмиш тилимизнинг соғлиги, гўзаллиги учун курашаётган ёшларимизнинг тилларида беихтиёр ҳақорат учун ишлатилади.

Ким айбдор?

Келинг, тарихга бир назар ташлайлик. Аёл кишига инсон сифатида қарамаслик (чунки Момо Ҳаво ҳам Одам Отанинг чап қовурғасидан бунёд этилганлиги учунми?) инсон жамияти тараққиёти мобайнида ўрнаша борди. Санъатда улуғланган поклик, меҳр нури ёғилиб турган аёл образи билан, эркакларнинг аёлларга нисбатан иккиласи дунёкараши ўртасида улкан жар ётади. 585 йилда Макон соборида очилган баҳсга аёл сабабчи эди. Унда аёлга нисбатан «homo» (одам) сўзи ишлатса бўладими ё йўқми, деб баҳслашдилар. Йиллар ўтди. Аммо ушбу баҳс хусусида диндор олимлар бир мурсага келиша олмадилар. 1595 йили В. Ацидалийнинг «Аёллар инсон эмаслиги хусусидаги диссертацияси кўпчиликка манзур бўлди. Айрим буюк ғарб файласуфлари ҳам ул ожизани табиати бўйича ўрдак, мушук ё сигир» деб билгандар.

Ҳа, эртак ва масаллардаги гўзал парилар-у ялмоғиз кампирлар, сариқ қизлар-у ажина-алвастилар аёл образида мужассамлаштирилди. Аммо улардан бирортаси она бурчини қоралай олмади.

**ЎТАР инсон яхши ёмони, меҳр қолур, мұҳаббат қолур.**

СЕВИМЛИ шоиримиз Мухаммад Юсуфнинг ушбу мисраларини ўқиганинида кўпдан бери хаёлимни ўртаб келаётган бир саволдан қийналиб кетаман. Шунда гуноҳкордай сезаман ўзимни, оқламоққа эса бир сўз, калом тополмай эзиламан. Мана йигирма ёшдан ҳам ошиб бормоқдаман. Лекин, ўзининг ўн етти, ўн саккиз, йигирма, йигирма. беш ёшларини ҳам биз отасиз, чорасиз ука-сингилларига сочиб юборган опажоним учун нима қила олдим? Бўғзимга тикилган ёшларни зўрга ҳайдаб, ўйланаман, хотирам эса мени ўттайверади... Ҳеч нарса қилмадинг, ҳеч нарса қила олмадинг. Кўнглим кўзгусида дилгир болалигим гавдаланади...

Бевакт ўлим бизни отамиздан жуда эрта айирди. Онам эса биз гўдаклар билан хувиллаб қолавердилар. Ўшанда энг каттамиз Ҳафиза опам ўн беш ёшдан ошган, эндигина саккизинчи синфи битирған қизча эди. Онамнинг «Кизим, ўқишинги давом этиравевер, укаларингни ўзим бир амалаб эплаштираман», деганларига

Чунки қадимдан аёллар овчининг келишини кутуб бошпанарап қурган, илк деҳқончилик билан шуғуллана бошланган, бола тарбиялаган. Қадимда аёл ҳурматда юрган, улуғланган. Жамоада эркаклар билан тенг, балким юқори ҳам овозга эга бўлган. Матриархал даврини бир эсланг-а! Жаҳоннинг нафақат Европа қисми, балки ўзбек тупроғида ҳам юртни бошқарган Тўмарис, Нодиралар кам эдими?!

Жаҳон динларининг ривожланиши аёл меҳнатининг ижтимоий аҳамиятини йўқолишига олиб келди. У эркак томонидан жонли буюм сифатида сотилиб, сотиб олина бошланди. Аёлни ҳақоратлаш, бошқа кимсага эса она сўзини тилга олиб, «дил изҳори» билдириши шу даврдан бошланмаганмикин?

Кўчада ўйнаб юрган болакайлар, танишларинг оғзидан чиқадиган ушбу ҳақорат сўзларни наҳотки ҳар бир одам ўз онасига раво кўрса?

Хар бир халқ маданияти аввало оиласдан бошланади, гўдакнинг илк сўзлари она номини тилга олиш билдириши...

Келинг, озгина хаёл сурис, мутлақо ҳақорат нималигини билмайдиган, мукаммал юртга борайлик.

Албатта, бундай бурчакни жаҳоннинг ҳеч бир давлатидан топа олмайсиз. Ўзимизнинг юртга қайтсан, кўчада, жамоа транспортида ҳақорат сўзларини эшиитмасликни ҳеч бир иложи йўқ.

Агарда ушбу сўзларни лексикондан олиб ташланганда эди, аминманки, кўпчилик ёшларимизнинг тил бойлиги қашшоқлашиб, ўз фикрларини равон билдира олмай қолган бўлар эдилар. Баъзиларига эса ҳақорат сўзларисиз ҳаётнинг ҳам қизиги қолмас эди. Лекин маломот сўзларига онадек мўътабар инсонни қўшиш шартмикин?

**Наргиз ҚОСИМОВА  
МДУ талабаси.**

қарамай, ўқишини кечки мактабга кўчириб, ўзлари онамнинг ёнларига кириб ишлай бошладилар. Йиллар шу тақлид ўтаверди. Онам, опам уззу кун ишладилар. Биз

ишлий олмай қолганларида опам ҳатто икки сменалаб ишлардилар. Инсон болалигида дунёни фақат гўзал ўйинчоқлару ширин попук қандлардангина иборат,

## ОПАЖОНИМ...

мактабга борамиз.

Аста-секин улғаяверганимиз сари эҳтиёжларимиз ҳам катталашаверарди. Опам эса бизнинг гўдак қалбимизни ўкситмаслик, ўзлари айтгандарида, «отаси борлар орасида айбиснамаслик» учун тиниб-тинчимасдилар.

Рўзғор — бу ғор. Ундаги бор юкларни ота-она — қўш ҳўқизигина эплайди, деб бекорга айтишмаганди. Онамнинг тоблари қочиб,

деб биладӣ, холос. Лекин биз кечаларигина ишдан бир оз бўшайдиган опамнинг ҳорғин-ҳорғин кўзларидан дунёнинг бешафқатлигини, ҳаётнинг бемуруватлигини жуда эрта илғаб олгандик. Шу илғай олганимиз бизни ҳаёт билан курашишга, иложисизликни, имконсизликни енгишшга ундарди.

Опам гўзал эди, қош-кўзлари тим қора, соchlari елкасини тўлдириган, юзлари эса сутдай оқ...



Ногоҳ-хаёл узокларга бошлаб кетдими, бувижон?..

Даврон АҲМАД олган сурат.

## «ОМИНА ОНА» КОРХОНАСИ

АРНАСОЙ райони марказида «Омина она» кичик корхонаси иш бошлади. Унга қозоқ қизи Кутти қиз Сейдманова раҳбарлик қилаяпти. Кичик корхона тикувчилик ва гилам тўқиши билан шуфуланди.

Тикувчилик цехини Замира Ерманова бошкармоқда. Сабор Мусақурова, Белбуви

Шодмонова, Хожарой Мамарашимовалар тиккан миллий кийимлар харидорлар эътиборини тортмоқда. Кичик корхона маҳсулотлари шу корхонага қарашли воситати дўкон орқали харидорларга сотилмоқда.

Алибой ЭРГАШЕВ,  
«Ишонч»нинг муҳбири.

Ҳа, совчилар эшик турмуни бузган, йигитлар унинг ойдай сулув ёри бўлишини, қайноналар бўлса тикондан гул ундирадиган, эпли келин бўлишини орзулаганди...


Ўшанда опам ҳаммаларига бирдай рад жавобини бериб, оёқ тираб туриб олдилар. Биз билардик, мурғак тасаввуримиз кўп нарсаларни илғарди. У бизни деб, хастадил онагинамни деб шундай қилишга мажбур эди. Мана биз ҳам фано зарбаларини енгиб онам ва опам орзулаган кунларга етиб келдик. Биз энди оқу қорани, яхшилик ва ёмонликни, зулму ситамни ажрати оламиз. Лекин шу кунларга бизни ота ўрнига ота бўлиб, бошимизни силаган опагинамининг ўша ҳокисор, ўша табаррук, меҳнаткаш қўллари, ҳар дақиқаси олтинга тенг ёшлик дамларини илҳас айлаш билан эришдик.

Ҳар тонг юрагимда қарздорлик хисси билан уйғонаман. Шу қарздорлик мени яшашга, фақатгина яхшилик, меҳр-муруvvatлилик билан яшашга ундейди.

САРОЙМУЛК.



ТИЖОРАТ



## АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Омонатни факат нақд пул қўйиш йўли билан эмас, балки пул, ўтказиш йўли билан ҳам кўпайтириш мумкинлигидан хабарингиз борми?

Бунинг учун Сиз пул даромадингиздан маълум суммасини омонат бўйича ҳисобга ўтказиш юзасидан ўзингиз ишлаб турган корхона ёки ташкилот бухгалтериясига ариза берсангиз бас.

Сиз маошдан, пенсиядан, берилган бир галлик мукофот пулидан, шунингдек сурурта суммасидан омонат ҳисобига пул ўтказишингиз мумкин.

Пул маблағини бу йўсинда ўтказиш Сизга шахсий бюджетни тўғри ташкил этишда, даромаддан мақсадга мувоғик тарзда фойдаланишда, вақтни иқтисод қилишда кўмаклашади, муҳими — нақд пул қўйиш билан боғлиқ оворагарчиликларга чек қўяди.

**Самарқанд  
Тошкент  
шаҳар бошқармаси.**

## БУЮРСАНГИЗ БАС

«Ишонч» газетаси таҳририяти қиска муддатда таклифномалару ташрифномалар (визиткалар) ни, фирма бланкалари-ю этикеткаларни, ёрликлару нархномаларни тез ва сифатли тайёрлаб беради, турли хил матнларни кўпайтириш ишларини бажаради.

Бизга буюрсангиз бўлгани

### МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳар,  
«Правда Востока»  
кўчаси, 24 уй.

Маълумот учун телефон: 56-87-59.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
КОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ



Суратларда:  
Коракалпогистон  
маданияти кунлари  
катнашчилари кутуб  
олиш тантаналари  
дан лавҳалар.

## ҚАРДОШЛИК УЧРАШУВИ ДАВОМ ЭТАДИ

ТОШКЕНТНИНГ байрамона безатилган файзли кўчалари, майдонлари ва хиёбонлари гавжум. Бунинг сабаби Тошкентда Коракалпогистон Республикаси маданияти кунларининг ўтаётганидир. Коракалпогистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков ҳамда Коракалпогистон Вазирлар Кенгашининг Раиси А. Йўлдошев бошчилигидаги анжуман катнашчиларини анъанавий карнайсурнай садолари остида миллий либосдаги қизлар нон-туз, гуллар билан кутуб олишиди.

Мехмонлар келишган куниёқ «Халқлар дўстлиги» майдонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойнга гул қўйишиди. Буюк шоирга хурмат-эхтиром айлаган маросимда шаҳар меҳнаткашлари вакиллари билан бирга Тошкентда таълим олаётган коракалпогистонлик ёшлар ҳам иштирок этишиди. Шу куниёқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев Коракалпогистон Республикаси маданияти кунлари катнашчиларининг вакилларини лутфан кабул килди.

Кабул маросимида Коракалпогистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков, Нукус шаҳар маҳаллалар қўмитаси раиси Ж. Жилемуратов, Ўзбекистон Фанлар академияси Коракалпогистон бўлими раиси С. Камолов, машхур адаби Т. Каинбергенов хар икки халқнинг кон-кариндошлиги хакида гапирдилар.

Маданият кунларининг тантанали очилиш маросими Алишер Навоийномидаги катта академик театрида бўлладилар.

Санъат оламида эл эътиборига тушиш учун тинмай меҳнат килиш, изланиш, ижод қилиш керак. «Айкулаш» ансамблининг бадий раҳбари Полат Мадреимов буни жуда чукур хис килади. У бошчилигидаги ансамбл жамоаси хар доим изланнишда.

Суратда: Полат Мадреимов ўз жамоаси билан.  
Омонбай МУРАТОВ  
олган сурат.





## ШУБҲАЛАРГА ЎРИН ҚОЛМАДИ

МДХ давлатлари ва хукуматлари раҳбарларининг яқинда Минскда ўтказилган учрашувни ниҳоятда мухим воеа бўлди. Бу учрашув ўтган йилнинг декабрида бўлиши керак эди. Ҳамдўстлик учун мухим ҳужжат — Низом қабул қилиш билан бир каторда мустақил давлатларнинг бир йилги ишларига якун ясаш, ўзига хос юбилей ўтказиш мўлжалланган эди. Аммо учрашувнинг бир неча бор кейинга сурилиши Ҳамдўстликка нисбатанномақбул мулоҳазаларни келтириб чиқарди, ҳатто МДХнинг бундан буён фаолият кўрсатиши хусусида шубҳалар айтила бошланди.

Марказий Осиё давлатлари ва хукуматлари бошликларининг Тошкентдаги учрашувий қатнашчилари МДХдаги ахволдан мамнун эмасликларини айтиши. Бунинг учун жиддий асослар ҳам бор эди. Ҳамдўстлик тузилганидан бери икки юздан ортиқ мухим ҳужжатлар қабул қилинди. Афсуски, уларнинг кўплари қофзода келиб кетди.

Украина Президенти Леонид Кравчук кейинги пайтларда МДХдан чиқиши масаласини қўймаётганини таъкидласада, МДХ низоми Украина коюнчилигига зид эканлиги сабабли унга имзо чекмаслигини айтиди. Аммо Минскда Украина делегацияси суверен республикалар ўртасидаги иктисодий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам берувчи битим тузишни таклиф килди. Арманистон делегацияси бугунги асосий вазифа — ҳўжалик соҳасидаги ҳамкорликни қўллаб-куватлаш ва ривожлантиришдан иборат, деб таъкидлади. Туркманистон ташки ишлар вазири Б. Бердиев Минскдаги учрашудан умидимиз катта бўлмасада, Ҳамдўстликдан чиқмоқчи эмасликларини айтиди. Украина ва Туркманистон асосий эътиборни икки томонлама алоқаларга, МДХ мамлакатлари билан алоҳида шартномлар тузишга каратмокдалар. Улар МДХ доирасида бирор мувофиқлаштирувчи раҳбар орган тузилишига қарши чиқиб, бундай орган илгари бўлганидек суверен республикалар давлат мустакиллигини камситиши мумкин деб чўчи-мокдалар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов МДХни саклаб қолиш зарурлигини доимо таъкидлаб келмоқда. Унинг фикрича, ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш учун МДХ имкониятларидан ҳали тўлағоданимайти. Айни вактда Президентимиз янги «Федерация» тузиш

йўлидаги уринишларга катьяян карши чиқди. Ўзбекистон суверен республикалар МДХ доирасида фаол сиёсий, иктисодий, ижтимоий, ҳарбий алоқада бўлиш тарафдоридир. Тожикистон вакиллари Тошкентдаги учрашуда эришилган келишувга мувофик Минскдаги учрашувда Ҳамдўстликнинг тенг ҳукукли аъзоси сифатида МДХ Низомини имзолаш ниятида эканлигини айтиди.

Белорусь Республикаси

Минскдаги учрашувда давлатлар ва хукуматларнинг бошликлари ўн тўртта мухим масалани кўриб чиқдilar. МДХ Низоми, ядро куроли ва стратегик ҳужум куролларий ҳакидаги 2-шартномани ратификация килиш, МДХ куролли Кучлари, иктисодий ҳамкорлик, давлатлараро ягона банк, рубль минтақаси, темир йўл вагонларини тақсимлаш, инсонпарварлик ёрдамини ташкил этиш масалалари этибормарказida турди.



Олий Кенгашининг раиси Станислав Шушкевич Ҳамдўстлик ҳар бир аъзосининг ички талабларини ҳисобга олиб, аста-секин яқинлашишга даъват этди. Украина делегацияси Минск учрашувida Ҳамкорлик барча аъзоларини хисобга оловчи ҳужжат қабул қилиш кера, деган мулоҳаза билдириди.

Россия Президенти Борис Ельцин Минскдаги кенгашда иктисодий, сиёсий ва ҳарбий мусалалар мажмууни мухокама қилинди, МДХ Низомини кўриб чиқиши тақлиф килди. МДХ Низоми ҳусусида Ҳамдўстлик аъзолари орасида турли фикрлар бор эди. Низом лойихасининг дастлабки мухокамаси пайтида ишчи гурухи Низом эмас, балки декларация, меморандум ёки хартия қабул қилиш керак деган фикр билдириган эди.

Россия Президенти МДХ Низомини қабул қилиш зарур, Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон МДХ аъзолигидан чиқиб кетмасин, деган фикрни айтиди.

Шуни алоҳида таъкидлаш-лозимки, МДХ доирасида давлатлар самарали ҳамкорлик қилишларидан давлат ва хукумат бошликларигина эмас, балки ҳалклар ҳам астойдил манфаатдордирлар. Харьков меҳнат жамоалари вакилларининг йиғилишлари, Донецк металлурглари ва кончилари, сиёсий партиялар, ҳалк депутатлари кўп сонли телеграммаларда Украина делегациясини МДХ Низомини имзолашга, МДХ Низоми лойихасини ўзлон қилиб, унинг мазмунидан ҳалкларни хабардор қилишга даъват этдilar.

Биз истиқболга ишонч билан қараймиз, чунки Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари кўраётган тадбирлар якин келажакда Ўрта Осиё минтақасининг ва умуман МДХ давлатларининг жадал ривожланишини таъминлайди.

МДХ аъзоларининг навбатдаги йиғилиши 30 апрелда Еревanda ўтказиладиган бўлди.

**Э. КАРИМОВ,**  
профессор, «Ишонч»  
газетасининг сиёсий  
шарҳловчиси.

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● ТАЙВАННИНГ Тайбэй шаҳри марказидаги одам энг гавжум бўладиган ресторонлардан бирида ёнгин чиқди. Бир пасда ҳамма ёқни эгаллаб олган кучли ёнгин туфайли саросимага тушиб қолган 30 киши ҳалок бўлган ва 20 дан ортиқ киши қаттиқ куйган.

● КУБАДА ҳалқ ҳокимияти Миллий ассамблеясига ва вилоят ассамблеяларига депутатликка номзодлар кўрсатиш бошланди.

● ЛАТВИЯДА 34 минг 500 ишсиз борлиги рўйхатга олинган. Бу ерда умуман 50 минг киши иш қидириш билан овора.

● ЯПОНИЯДА чиқадиган «Иомиури» газетасининг хабарига кўра, Хитой раҳбарларидан бири Дэн Сяопин Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош котиби ва бошқа партия раҳбарларига «Буржуача либераллаштиришга» қарши курашиш зарурлиги тўғрисида кўрсатма берган.



Суратда: Ҳамдўстлик давлатлари бошликларининг учрашув пайти.

А. ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

## Тошдан ясалган медаллар

НОРВЕГИЯНИНГ Лиллехаммер шаҳрида ўтадиган кишиши Олимпиада — 94 мусобакаларида топшириладиган олтин, кумуш ва бронза медаллари Олимпиада тарихида биринчи марта силликлаб ялтиратилган тошлардан ясаладиган бўлди. Шундай бўлсада ғалаба учун бериладиган ҳар бир мукофотда олимпиа анъаналарига кўра энг ками 6, грамм олтин бўлади. Олтин медални безатиш учун кор парчаси шаклида унинг сиртига ёпиширилади. Ўз-ўзидан иккичи ва учинчи ўринни қўлга киритганлар кумуш ва бронза кор парчали мукофотни оладилар.

## Намойишлар камаймокда

ЖАНУБИЙ Корея шаҳарларининг кўчаларида ва талabalар шаҳарчаларида намойишлар ўтказиш 1992 йили 38 фойзга камайган. Агар 1991 йилда 7.873 та норозилк чиқишлари рўйхатга олинган бўлса, ўтган йили у 4.831 марта бўлган. Уларнинг 2.369 таси сиёсий ва гражданлар, 472 таси касаба уюшмалари, 1.378 таси талabalар ташкилотлари томонидан ўтказилган.

## Эгизаклар орасидаги фарқ бир йил

ЖАНУБИЙ африкалик Анна ва Эдди Пауэрлар оиласида ажойиб воеа содир бўлди. Уларнинг эгизак фарзандлари турли кун ва ҳатто турли йилда туғилишган. Бунинг сири жуда оддийdir. Ўғил болаларнинг каттаси дунёга 1992 йил 31 декабрь кечаси, кичиги эса сал кейинрок 1993 йилнинг 1 январида туғилган.

## Аёллар «заифами?»

АНГЛИЯДА чиқадиган «Уикэнд» журнали саҳифаларида ажойиб хабар эълон қилинди. Унда олимлар қайси жине вакиллари чидамлироқ эканлиги хусусида ўтказган тажрибаларининг натижаси келтирилади.

Маълум бўлишича, уй бекалари рўзгор ишларига эркакларнинг хизмат вазифаларини бажаришга сарфлайдиган энергияларидан кўра кўпроқ куч сарфлашар экан. Масалан, ювилган кирни ёйниш тракторда ер хайдашдан қийинроқ, дераза ойналарини ювиш эса автомобиль ҳайдашга караганда кўп куч талаб қиларкан. Лекин энг оғир ювилган кирларни дазмоллаш экан. Униш тош йўнувчиларнинг меҳнатига баравар, дейишади.